

# ХУШ КЕЛДИНГ. ЭЗГУЛИК ФАСЛИ!



QONUNCHILIK VA HUQUQ-TARTIBOT UCHUN

# POSTDA

GAZETA 1930-YIL 12-MAYDAN CHIQA BOSHLAGAN • 2009-yil 22-mart, yakshanba • №12(3802)

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватан-дошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Шу кунларда баҳор нафаси тобора кучайиб, атроф-муҳит яшил либосга бурканиши билан, орзиқиб кутган Наврўзи оламнинг юртимизга кириб келиши ҳаммамизни чексиз қувонтиради.

Наврўзи оламни биз барча Шарқ халқлари қатори азал-азалдан, минг йиллар давомида, “Авесто” замонларидан буён сақланиб ва эъзозланиб келаётган, бизнинг миллий табиатимиз ва одатимиздан ажратиб бўлмайдиган, энг қадимий ва энг сеvimли, чиндан ҳам, ҳақиқий халқ байрами сифатида қадрлаймиз.

Наврўзи оламни биз ўзининг чуқур маъно-мазмунини ва фалсафасини билан ҳаётимиздан алоҳида ўрин олган, яшариш ва янгиланиш палласи, шарқона янги йилнинг дебосчаси сифатида ардоқлаймиз.

Бу дилбар фаслда табиат очилиши, еру кўк уйғониши билан ўзимизни янгитдан туғилгандек ҳис қиламиз, қалбларимиз пок ниётларга тўлиб, бутун вужудимизда эзгу савий-ҳаракатлар жўш ургандек бўлади.

Бунинг тасдиғи айна шу кунларда – барчамиз бағримизни кенг очиб, Наврўз айёмига пешвоз чиқаётганимизда, шаҳар ва қишлоқларимиз, воҳаю водийларимизда

ўтаётган сайил-томошаларда, тансиқ баҳор таомларини тайёрлаб, уларни ўз яқинлари, ёру дўстлари, маҳалла-кўй билан баҳам кўраётган минг-минглаб одамларнинг шоду хуррамлигида яққол намоён бўлмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, юртимиздаги ана шундай самимий, дилкаш муносабатларни кўрганда, биз қандай саховатли ва меҳрибон, кўнгли очик халқнинг фарзандлари эканимизни яна бир бор чуқур англаймиз ва бундан қалбларимиз беихтиёр гурур ва ифтихорга тўлади.

Наврўзи олам мана шундай ёруғ кунларда юрагимиздан кечираётган олижаноб ҳис-туйғуларни намоён этиб, бир-биримизга меҳроқибат кўрсатиш, кексаларни зиёрат қилиш, ногиронлар, беморлар ва кўмакка муҳтож одамларга беминнат ёрдам беришдек гўзал фазилатлари билан Ватанимиздаги барча миллат ва элатлар учун гоё азиздир.

Бағрикенг ва меҳмондўст халқимиз ўзига раво кўрган яхшилик ва эзгу тилақларни доимо ўзгаларга ҳам раво кўради.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги байраимизда қатнашаётган хорижий меҳмонларимизга, элчилар ва чет эл ваколатхоналарининг вакилларига, барча-барча дўсту ҳамкорларимизга уларни

бизнинг қадимий урф-одат ва анъаналаримизга кўрсатган ҳурмат ва эътибори учун сизларнинг номингиздан миннатдорчилик билдириб, чин дилдан қутлашга ижозат бергайсиз.

Қадрли дўстлар!

Бугунги кунда бутун халқимиз янги йилда ўз олдимизга қўйган юксак вазифа ва марраларни амалга ошириш йўлида белни маҳкам боғлаб, эртанги кунга катта ишонч билан, меҳнат қилмоқда.

Айниқса, фидойи деҳқонларимиз ва фермерларимиз 2009 йилга “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб ном берилганидан руҳланиб, яхши ниёт ва азму шижоат билан бепоён дала-ларимизда янги мавсумни бошламоқда.

Халқимизда азалдан янги йилнинг серҳосил ва омадли бўлиши Наврўзнинг қандай келишига, уни қандай кутиб олишингга боғлиқ, деб бежиз айтмайдилар.

Баҳор фаслининг юртимизга серёмғир келиши, кузда эккан экинларимиз тобора кучга тўлиб, кўкка бўй чўзаётгани, ўлкамизда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, Наврўз айёмини мана шундай шукроналик ва мамнунлик кайфиятида, хурсандчилик билан кутиб олаётганимиз – буларнинг барчаси бу йилги кўзлаган юксак мар-

раларимизга, орзу-ниятларимиз ва мақсадларимизга албатта эришамиз, деган ишонч туғдиради.

Бу борада турли қийинчиликларга қарамасдан, мамлакатимизнинг бу йилги иқтисодий ривожланиши ва меҳнатчиларимизнинг оладиган маошлари, пенсия, нафақа ва стипендиялар, бир сўз билан айтганда, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифат кўрсаткичларининг ўсиши, иншоолло, ўтган йилгидан кам бўлмайди. Шундай деб айтишга бугун барча асосларимиз бор.

Муҳтарам ватандошларим!

Юртимизга Наврўз байрами кириб келиши билан мен бугун шу муҳташам ва бетакрор майдонда тўпланган сиз, азизларимизга, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизга ўзимнинг чуқур ҳурматимни билдириб, қалбимда, юрагимда бўлган энг самимий тилақларимни изҳор этишни ўзим учун катта бахт деб биламан.

Илоё, хонадонларимиздан меҳру оқибат, файзу барака аримасин!

Табаррук кексаларимизнинг умрлари узоқ бўлсин!

Барча эзгу орзу-ниятларимиз рўёбга чиқсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборақ бўлсин!

## ЯШАРИШ, ЯНГИЛАНИШ, НАФОСАТ АЙЁМИ



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж

Дийримиз узра Наврўз нашидаси кезмоқда. Қиш либосини ечган борлиқ ўз гўзаллигини кўз-кўз қилмоқчидек турфа рангда жилоланади. Қутбарака, эзгулик, меҳр ва муруват, одамийлик ва оқибат айёми – Наврўз дилларни сурур ва умидга тўлдирди.

21 март, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамонида безатилган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт намо-

яндалари, ишлаб чиқариш илгорлари, тadbиркорлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган.

Соат 10.45. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кириб келади.

Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар давлатимиз раҳбарини қарсақлар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси янграйди.

Президент Ислам Каримов минбарга таклиф этилади.

Давлатимиз раҳбари барчани умумхалқ байрами, шарқона янги йилнинг бошланиши бўлмиш Наврўз айёми билан самимий қутлади. Ўзининг маъно-мазмунини, кўрку таровати, теран фалсафасини билан бошқа байрамлар орасида алоҳида ўрин тутадиган Наврўз тимсолида халқимизнинг ўзига хос маънавияти, ўтмиши, асрий қадриятлари, миллий урф-одат ва анъаналарининг тобора сайқалланиб, ривож топиб бораётганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

# ЯШАРИШ, ЯНГИЛАНИШ, НАФОСАТ АЙЁМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Муаззам майдон узра шўхчан куй — Наврўз навоси таралади. Шаббода швири, кушлар чуғури, жилғалар жилдирашга ҳамоҳанг бу наво дарахт новдаларига тириклик суви юргани мисол жисму жонимизга ёқимли илиқлик таратади.

Карнай-сурнай ва ноғоралар садоси остида жарчилар элу юртни Наврўз сайлига чорлайди. Одамлар қалбига чексиз қувонч бахш этадиган Наврўз сайли неча минг йиллардан буён халқимиз асраб-авайлаб, эъзозлаб келаётган ҳаётбахш ва гўзал қадриятларимиздандир.

Наврўз мустақиллик йилларида янги маъно-мазмун касб этди. У ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, хайру саховат ва меҳроқибат каби халқимизга хос фазилатлар тимсолига — умумхалқ байрамига айланди.

Халқимиз бу йил Наврўзни ўзгача тадорик билан қарши олмақда. Кўкларнинг илк кунларидан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Юртимизда байрамолди ҳашарлари ташкил этилиб, унда ёш қари, катта кичик фаол иштирок этди. Маҳаллалар, қишлоқлар, кўчалар, турар-жойлар ободонлаштирилди, ариқ-зовурлар тозаланди, зиёратгоҳ, қабристон ҳамда табаррук қадамжолар тартибга келтирилди, мевали, манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтқазилди.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2009 йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилинди. Барчамизнинг илдишимиз, томиримиз она заминга боғлиқ. Шу бонс Ватан деган улуг ва муқаддас тушунча, аввало, қишлоқ тимсолида намоён бўлади. Халқимизнинг ризқ-рўзи заҳматкаш деҳқонларимиз этиштирадиган ноз-неъматлар билан ўлчанади.

Наврўз байрамининг мазмун-моҳияти саховатли замин билан, деҳқону соҳибкорларимиз, чорвадору миришкорларимиз меҳнати билан, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти билан чамбарчас боғлиқ.

Майдон теграсида ҳилпираётган байроқлар табиатнинг анвои рангларига уйғунлашиб кетган. Кўкда тебраниб турган улкан ҳаво шарлари дилларга ўзгача завқ бағишлайди. Саҳна гирдидаги турфа гуллар қуёш нурларида сирли жилоланади...

Болажон халқимизнинг улуг байрамини бахтиёр кичкинтойлар бошлаб беради. Юзларида самимият ва беғуборлик балкиган ўғил-қизларнинг шўх-шодон кулгилари, жарангдор куй-қўшиқлари барчани болаликнинг сирли оламига етаклайди.

Баҳорни бежиз ёшликка менгзамайди.

Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб баркамол ав-

лод тарбиясига, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўтган йиллар мобайнида амалга оширилган ўзгаришлар силсиласида ёшлар сиёсати устувор аҳамият касб этади. Халқимиз эртанги кун умиди билан, ёруғ келажакка ишониб яшайди. Шу бонс бугун барпо этаётган янги ҳаётни биз, аввало ўзимиз, қолаверса, ўсиб келаётган авлодимиз учун қурмоқдамиз. Президентимиз таъбири билан айтганда, фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт.

Ўтган 2008 йил — «Ёшлар йили»да ўғил-қизларимизга янада кенг йўл очиб бериш, уларнинг соғлом ва баркамол вояга етиши, замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини эгаллаши, ўз қобилият ва имкониятларини, куч-қувватини намоён этиши учун кенг имкониятлар яратиш, ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Ёшлар том маънода бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучига айланиб бормоқда.

Таълим соҳасида қабул қилинган умуммиллий давлат дастурларида кўзда тутилган

сидаги саъй-ҳаракатлар туфайли замонавий спорт мажмуаларида жисмоний камолотга етган ёшларимиз халқаро майдонларда Ўзбекистон байрогини баланд кўтармоқда. Пекинда ўтган XXIX Ёзги олимпиада уйинларида спортчиларимиз битта олтин, иккита кумуш, учта бронза медални қўлга киритди. Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Осиё биринчилиги мусобақаларида фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, жорий йил Мисрда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ёшларни соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялаш, оммавий спортни ривожлантириш мақсадида ўтган йили 184 спорт иншоотида қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етказилиб, минглаб фарзандларимизнинг спорт билан шуғулланиши учун яратилаётган имкониятлар янада кенгайтирилди.

...Барча байрамлар ҳам азиз, барча байрамлар ҳам қадрли. Аммо Наврўзнинг соғинчи ва шуқуҳи бўлакча. Яратганга шукрлар бўлсинки, юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин, фарзандларимиз соғ-саломат. Халқимизнинг орзулари мўл, тилаклари бисёр. Набирасини етаклаган отахонлар, кайвони

боболаримиз бундай кунларда фақат эзгу ишлар қилишга, кексаларнинг дуосини олиб, етим-есир, бева-бечора, хастаю муҳтожларга меҳрибонлик кўрсатишга интиланлар.

Ана шундай эзгу фазилатлар мустақиллик туфайли қайтадан қадр топиб, янада ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Мўтабар қарияларимиз, ота-оналаримизнинг ҳурмат-эҳтироми жойига қўйилмоқда, жамиятимизда меҳр-оқибат, катталарга ҳурмат ва кичикларга иззатда бўлиш, ҳеч кимни ёлғиз ва эътибордан четда қолдирмаслик муҳити тобора мустаҳкамланмоқда. Мустақил ҳаётга қадам қўйган ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, Меҳрибонлик уйлари битирувчиларини турар-жой билан таъминлаш борасидаги ишлар ҳам ана шу эзгу фазилатларнинг амалий ифодасидир.

Буюк боболаримиз асрлар давомида яратган бой маънавий ва маърифий меросни, миллий қадриятларимизни янада бойитиш ва уларни умуминсоний қадриятлар билан уйғун ҳолда ривожлантириш, халқимизни, айниқса, ёш авлодини ана шу руҳда тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда муаззам пой-

рида юртдошларимизнинг турмуш тарзини янада яхшилаш, фаровон ва тўкин ҳаётни таъминлашга интилишдек эзгу ниятлар мужассам.

Мамлакатимизда қулай инвестиция муҳити яратилган. 2008 йилда иқтисодиётни ривожлантириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан 6,4 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилди. Ўзлаштирилган инвестициялар асосан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашга йўналтирилган билан ҳам аҳамиятлидир.

Янги иш жойлари ташкил этиш, айниқса, ёшларни ва хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган эътибор натижасида аҳоли турмуши даражаси юксалиб бормоқда. Меҳнатни рағбатлантириш, иш ҳақини ошириш ва аҳоли даромадлари ўсишини таъминлашга қаратилган изчил сиёсат туфайли 2008 йилда ўртача иш ҳақи 1,4 баробар ошди. Аҳолининг реал даромадлари йил давомида жон бошига 23 фоиз кўпайди.

Наврўз томошалари кўтаринки руҳда давом этади. Сапъат усталари, эстрада юлдузлари, ёш ижрочиларнинг она юртни, истиқлолни, Наврўзни, баҳор ва муҳаббатни мадҳ этган чиқишлари қалбларни тўлқинлантиради. Мусиқий оҳанглар, дилтортар рақслар, фусункор саҳна манзаралари кишига завқ-шавқ бағишлайди...

Аждолларимиз янги меҳнат йилини айни Наврўздан бошлаганлар. Деҳқонларимиз эл-юрт дастурхони тўкин бўлсин, деган ниёда ерга барака уруғини сочганлар.

Айни кунларда фермерлар кўклар юмунлари билан банл. Ғаллазорлар озиқлантирилиб, ер майдонлари экинга тайёрланмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий кучга айланган фермерларимизнинг 2008 йил пахта етиштиришдаги улуши 99,1 фоизни, ғалла тайёрлашда эса 79,2 фоизни ташкил этгани уларга яратиб берилган шарт-шароит ва эътибор самараларидандир.

...Қорлар эриб, кўклар либосига бурканган қир-адирларда баҳор элчилари — бойчечаклар, лолақизғалдоқлар кўзни қувнатди. Арқон солиб турналар учиб келади.

Дилбар куй-қўшиқ ва рақслар самога сочилган рангин мушакбозликка уланиб кетади...

Миллий боғ бўйлаб ёйилган қанлолатчилик расталари сайил қатнашчилари, болажонлар билан гавжум. Миллий ҳунармандлик маҳсулотлари кўргазмаси эътиборни тортади.

Юртимиз бўйлаб Наврўз нашидаси кезади. Шаҳар ва қишлоқларимизда, бепоён дашту далаларда Наврўз сайли, шодналар давом этмоқда.

Воҳид ЛУҚМОН,  
ЎЗА шарҳловчиси.



ислохотлар бугун юксак самаралар бермоқда. Умумтаълим мактаблари битирувчиларини академик липей ва касб-ҳунар коллежларига тўлиқ жалб этиш тизими шакллантирилди. Кадрлар тайёрлаш сиёсатининг натижалари нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам эътироф этилган. 2008 йилнинг ўзида 169 касб-ҳунар коллежи, 23 академик липей барпо этилган, 1 минг 875 мактабда янги қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилгани келажак йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг ёрқин ифодасидир.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими — «Умид наҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада оммавий спорт ўйинлари юксак самаралар бермоқда. Болалар спортини ривожлантириш бора-

онахонлар, атласларда ял-ял ёниб келаётган қиз-жувонлар, сочларида толбаргак таққан қизалоқлар, нигоҳлари осмонларда ҳаволанаётган варракларга боғланган болакайлар, белида белбоғи бор бўз йиғитлар — барча-барча Наврўз сайлига омиқалди. Сайил қизийди: ҳофизу хонанда ҳам, ўланчию лапарчи ҳам, аскиячи ва қизиқчи, дорбозу морбоз, масхарабозу кўғирчоқбоз ҳам шу ерда. Улоқ-кўпкари, пойга, кураш, арқон тортиш, тош кўтариш, мерганлик томошалари қизигандан қизийди. Дошқозонларда қайнаётган сумалак ва ҳалим ҳиди димоқни қитиқлайди...

Наврўз айёми азалдан меҳр-оқибат, саховат, бағрикенглик ифоласи бўлиб келган. Ўтмишда Наврўз куну урушлар тўхтаган, гина-кудуратлар унутилиб, элда тинчлик, осойишталик қарор тошган. Ота-

тахтимиз — Топкиент шаҳрининг 2200 йиллик юбилеи кенг нишонланади.

...Мақом, фольклор-этнографик ансамблларнинг чиқишларида, турфа рақсларда, халқ ўйинларида кўп минг йиллик тарихга эга, гўзал ва бетакрор байрамимизнинг ноёб қирралари ўз аксини топади. Бу кутлуг айёмнинг кишиларни бирлаштирувчи, дилларни дилларга боғловчи ҳаётбахш кучи янада яққол намоён бўлади...

Наврўз арафасида шаҳар ва қишлоқларимизда барпо этилган янги иншоотлар, корхона ва ўқув муассасаларини фойдаланишга топшириш хайрли анъанага айланган. Шу кунларда юртимизда янги корхоналар, ишлаб чиқариш объектлари, тиббиёт муассасалари, маданият ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар зами-





ШОДИЁНА

# ВАЗИРЛИКДА СУМАЛАК САЙЛИ

Мамлакатимизнинг барча гунасида бўлганидек, Ички ишлар вазирлигида ҳам Наврўз шодиёнасини кўтариш руҳида нишонлаш анъанага айланган. Наврўз шукӯҳи унинг тансиқ таоми — сумалак билан янада завқлидир. Яқинда вазирликда дошқозон осилиб, байрам шодиёнаси бўлиб ўтди. Унда вазирлик шахсий таркиби дошқозон атрофида эзгу ниятлар қилинди.

— Наврўзга сўзгаганига шукр, — дейди республика ИИБ Фахрийлар кенгаши аъзоси, истеъфодаги генерал-майор Тилла Абдуллаев. — Сумалак пишаётганини кўриб, бир зум шўро тузмида миллий қадриятларимиз топталгани кўз ўнгимга худди кино тасма-сидагидек ўтди. Аллоҳга шукрлар бўлсинки, мустақиллик, истиқлол, ҳуррият бизга Наврўзни қайтарди. Миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз тикланди. Барчага шодлик, нафосат айёми қутлуғ бўлсин! Доимо осмонимиз мусаффо бўлиб, юртимизда тинчлик ва фаровонлик ҳукм сурсин.

Бу йилги сумалак сайли янада эсда қоғарли бўлди. Айни байрам арафасида вазирлик ҳовлисида ходимларнинг ёз кунлари дам

Юртимиз бўйлаб баҳор нафаси кезиб, Наврўз тантаналари бошланиб кетди.



олиши ва тантаналар ўтказилиши учун мўлжаллаб қурилган маскан ишга тушди. Миллий меъморчилик услубида қурилган айвонда сумалак сайли ўтказилди. Бу ерда меҳмонлар ва сайл иштирокчилари учун айём дастурхони ёзилиб, Наврўз таомлари ҳамда ош тортилди.

— Баҳор байрамини доим интиқлик билан кутамиз, — деди ИИБ Хотинқизлар кенгаши раиси, полковник Қ. Султонова. — Айниқса, дошқозонда сумалак пиширишнинг завқ бошқача бўлади. Бу Наврўз таомини пишириб, еган киши йил бўйи ўзини тетиқ ҳис қилиб юради. Биз-



га ёрдам берганларнинг барчаларига раҳмат айтиб, умрлари доим баҳордай яшнаб туришини тилаймиз. Тадбирда республика Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов иштирок этиб, барча ички ишлар идоралари ходимларини меҳр-мурувват, саховат ва яшариш фасли — Наврўзи олам билан муборакбод этди.

Сумалак сайли куй ва қўшиқсиз ўтмайди, албатта. Республика ИИБ Ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари ҳамда «Ўзбегим ёшлари» гуруҳи аъзолари ижросидаги баҳор, эзгулик айёмини тараннум этувчи

куй-қўшиқлар қалбларга қувонч бағишлади.

Ҳа, ҳар бир кунимиз қувончу шодликларга тўлсин. Зеро, халқимизнинг севимли шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов айтганидек:

*Бу кун тенг келмишдир ер билан само,*

*Бир-бирини қўлаб, ўйлаб, ғамин еб,*

*Боболар қадимда қилишар дуо:*

*Илоҳо, ҳар кунинг Наврўз бўлсин деб.*

*Ўз мухбиримиз.*

*Суратларда: шодиёнадан лавҳалар.*

*Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.*

## ТАЙИНЛАНДИЛАР



Навоий вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари — Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи, подполковник Рашид Равшанович АБДУЛЛАЕВ.

Рашид Равшанович Абдуллаев 1964

йилда туғилган. Маълумоти олий, Тошкент Политехника институтини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1990 йилда Навоий шаҳар ИИБ ШПХ ротаси милиционер лавозимидан бошлаган. 1992—2009 йилларда Навоий шаҳар ИИБ ШПХ ротасининг взвод командири, Навоий вилояти ИИБ ШТБХ инспектори, Навоий шаҳар ИИБ ШТБХ катта инспектори, вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими бўлима бошлиғи, бошлиқ ўринбосари, вилоят ИИБ ШТБХ бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.

\*\*\*

Тошкент шаҳар ИИББ ШПХ ва ЖТСБ патруль-пост хизмати бригадаси командирининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, подполковник Бекмурод Тожимирзаевич АБДУЛЛАЕВ.



Бекмурод Тожимирзаевич Абдуллаев 1975 йилда туғилган. Маълумоти олий, Самарқанд

Олий ҳарбий автомобиль ва муҳандислар қўмондонлик билим юртини тамомлаган. 1993—2003 йилларда республика Мудофаа вазирлиги тизимида хизмат қилган. Ички ишлар идораларида хизматни 2003 йилда республика ИИБ ИҚББ ҳарбий қисми катта зобити лавозимидан бошлаган. 2004—2009 йилларда ҳарбий қисм командирининг биринчи ўринбосари — штаб бошлиғи, ҳарбий қисм командири, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ИИБ ЖТСБ бошлиғи, Тошкент шаҳар ИИББ ШПХ ва ЖТСБ патруль-пост хизмати бригадаси батальон командири лавозимларида хизмат қилган.



### САФ КҮРИГИ

# ТЕГИШЛИ КҮРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

Меҳр-мурувват, саховат ҳамда гўзаллик айёми — Наврўз шодиёнасида мамлакатимизнинг барча ташкилот ва идораларида ўзига хос тарзда тайёргарлик кўрилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ИИБ тизимларида ҳам умумхалқ байрамини муносиб тарзда нишонлашга киришилди.

Республика ИИБ Бош бошқарма, бошқарма ва мустақил бўлимлари шахсий таркиби Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан ўтказилаётган саф кўригида иштирок этиш мақсадида Тошкент шаҳар ИИББ жанговар тайёргарлик марказига йиғилди. Унда ходимларнинг ташқи кўриниши, хизмат кийимини белгиланган тартибда кийиш ва бошқа

жиҳатларга эътибор қаратилди. Аниқланган камчиликларни баргараф этиш юзасидан соҳавий хизматлар раҳбарларига тегишли кўрсатмалар берилди.

Саф кўригида республика Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Ш. Икрамов иштирок этиб, Наврўз байрами тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш давомида барча

шахсий таркиб хизмат интизоми ва қонунчиликка қатъий риоя этиш зарурлигини қайд этди. Шунингдек, хизмат кийимини ўрнатилган тартибда кийиш, фуқаролар билан муоамалада касб одобномаси талабларига қатъий риоя этиш, шахсий таркибнинг ҳушёрлиги ва жанговар шайлигини янада ошириш юзасидан лозим бўлган вазифаларни белгилаб берди.

Кўрик давомида республика ИИБ Марказий аппарати шахсий таркиби оркестр садолари остида шахдам қадамлар билан сафдан ўтди.

Қ. ШОКИРОВ.



## ДИЛ СЎЗЛАРИ

НАВРЎЗИНГИЗ  
МУБОРАК, ОНАЖОН!

Онажон, Сизнинг энг яхши кўрган байрамингиз Наврўзи олам кириб келди. Сиз саксонинчи баҳорни, саксонинчи Наврўзни қарши олдингиз.

Онажон, биласизми, мен Сиз туфайли бугун элу юртимнинг, халқимнинг ҳурмат-этибори, меҳру муҳаббатига сазовор бўлдим. Айниқса, Шахрисабз шаҳар ички ишлар бўлимида кўп йиллик тергов соҳасига самарали хизматларим эвазига полковник унвони берилишида Сизнинг катта меҳнатингиз борлиги, яна ўтган йили Ички ишлар идоралари ходимларининг касб байрами муносабати билан 27 йиллик фаолиятим эвазига кўксимга тақиб қўйилган «Меҳнат шухрати» ордени ҳам аслида Сизга берилган мукофот, Онажон!

Чунки ёшлигимизда ноқ бизни мактабда яхши ўқишга ундаган, шу касбга нисбатан мурғак қалбимда қизиқиш уйғотган ҳам Сиз эдингиз.

Мана, бугунги кунда мен, яъни Сиз Хайризода онанинг қизи Жамила Султонова Шахрисабз шаҳар ИИБ терговчиси

лавозимида фаолият юритмоқдаман. Мен ҳам барча ички ишлар ходимлари сингари жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишга, қонунчилик ҳамда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга ўз ҳиссамни қўшиб келмоқдаман.

Онажон! Сиз биз фарзандларингизга умрингизни, ёшлигингизни, куч-ғайратингизни бағишлаб, умр бўйи меҳнат қилдингиз. Қоп-қора сочларингиз ўрнини ошпоқ қиров, силлиқ юзларингизни ажинлар эгаллади. Бугун Сиз ўнлаб невар ва чевараларга буви Онажон, плоҳим бундан кейин ҳам фарзандларингизнинг бахтига тўқсонлар билан тўқнашиб, юзлар билан юзлашиб юришлик насиб этсин!

Юртимизнинг осмони мусаффо, халқимизнинг турмуши фаровон бўлишини тилаб қилаётган дуоларингиз ижобат бўлсин.

**Жамила СУЛТОНОВА,**  
**Шахрисабз тумани ИИБ**  
**терговчиси, полковник.**  
**«Меҳнат шухрати» ордени**  
**сохибаси.**

Қашқадарё вилояти.

## УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ

## ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШДИ

Мамлакатимизда Наврўз байрами муносабати билан ўтказиладиган умумхалқ ҳашарида ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш анъанага айланган. Бу баҳор бошланиши билан теварак-атрофни янгилаш, янада гўзаллаштиришнинг муҳим тадбиридир. Анъанага мувофиқ шу йил 14-15 март кунлари республикаимизда умумхалқ ҳашари ўтказилди. Баҳорнинг дастлабки кунларида уюштирилган хайрия тадбирида ички ишлар идоралари ходимлари ҳам фаол иштирок этдилар. Жумладан, ИИБ Марказий ашарати ходимлари ҳашар кунлари вазирлик биноси атрофларини, ариқларни тозалаш, гулзорларни тартибга келтириш билан шугулландилар, хизмат хоналарини саранжомладилар. Шунингдек, жойларда мевали ва манзарали дарахтларнинг ниҳоллари ҳамда турли хил гул кўчатлари ўтқазилди.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: ҳашардан лавҳа.

А. КЕНЖАЕВ олган сурат.



## УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТДИ

**НУКУС.** Мамлакатимизда бўлиб ўтган ҳашарда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ тизимидаги нафақат шаҳодатланган ходимлар, балки эркин ёлланган хизматчилар ҳам фаол иштирок этиб, ушбу тадбирнинг уюшқоқлиги билан

ўтишида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишди.

Тегишли хизматлар жойлашган бинолар атрофи тозаланиб, кичик ариқлар қайта қазиб чиқилди. Қад ростлаётган манзарали дарахтлар оҳақланиб, қуриган шохлари ке-

силди. Шунингдек, вазирлик аппарати, шаҳар-туман ИИБларига қарашли спорт майдончалари ҳам саранжом-саришталикдан сўнг янада гўзаллашди.

**Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.**  
Қорақалпоғистон Республикаси.

ЙИГИТ-ҚИЗЛАРГА  
ШОДЛИК УЛАШИЛДИ

Боғот тумани ИИБ ХЧК ва ФРБ томонидан жорий йилнинг шу давригача ўқув муассасаларида таълим олаётган 721 нафар йигит-қизга фуқаролик паспорти тантанали равишда топширилди.

Келажак авлодга шодлик улашган ана шундай тадбир тумандаги 13-умумтаълим ўрта мактабда бўлиб ўтди. Унда 16 ёшга тўлган 69 нафар ўқувчига Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспорти берилди. Ўқувчилардан Нодири Жумағалдиева,

Отабек Қўчқоров, Бахтиёр Ғоипов, Шоҳиста Оллаберганаева, Шаҳноза Жабборова сўзга чиқиб, миллий паспортимизни кўз қорачиғидек асраш, Ватанга муносиб фарзанд бўлишга аҳд қилишди.

**Худойберган**  
**ЖАББОРОВ.**

Суратда: илк фуқаролик паспортини олган ўқувчилар ҳаяжонда.

Жумабой ҚОЗОҚ олган сурат.



## ДАВРА СУҲБАТИ

ТАЛАБАЛАР БИЛАН  
МУЛОҚОТ

Тошкент Давлат юридик институтининг иккинчи мутахассислик факультетида республика ИИБ ҚООББ бўлим бошлиғи, подполковник И. Жаҳонгиров ва бошқа масъул ходимлари томонидан талаба ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Мазкур институтнинг профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этган тадбирда талаба ёшлар масалаларига доир фикр-мулоҳазалар билдирилди. Давра суҳбатида ички ишлар ходимлари уюшган жиноятчилик, диний экстремизм, халқаро терроризм, одам савдоси ва гиёҳвандликнинг аянчли оқибатлари ҳақида гапириб бердилар. Талабаларнинг ана шундай кўринишдаги жиноятлар таъсирига тушиб қолмасликлари учун ҳушёр ва огоҳ бўлишга чақирдилар ҳамда бу борада маънавий-ахлоқий тарбияга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Ўз мухбиримиз.

## ХИЗМАТЛАРДА

## КОРХОНАДА АМАЛИЙ МАШҚЛАР

«GM-Ўзбекистон» ёниқ акциядорлик жамиятини ёнғиндан муҳофаза қилувчи Асака пнаҳар ИИБ ЁХБ 3-ҲҲХО 7-Ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмида қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, корхонанинг ёнғин хавфсизлигини янгилаш таъминлаш учун шахсий таркибининг малакаси, билим савияси ва касб маҳоратини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ходимларнинг касбга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида мунтазам амалий машғулотлар ўтказиб борилаёти.

Бунга мисол тариқасида шу йил, 30 январь кунини корхонанинг бўёқлаш пехида Андижон вилояти ИИБ ЁХБ томонидан ташкил этилган ёнғин ўчириш амалий тактик машқини айтиб ўтиш мумкин. Бундан ташқари, 7-ҲҲХҚнинг навбатчилик сменалари билан 2009 йилнинг ўтган даврида 4 марта таъминлаш амалий машғулотлари ўтказилди. Асосий мақсад ёнғин хавфсизлиги хизмати тизимида фаолият кўрсатаётган кўнгили ёнғин ўчириш гуруҳлари аъзолари, электр ва сув таъминоти, попилинг тиббий ёрдам, фуқаро муҳофазаси ходимлари ва бошқа дахлдор хизматлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашдан иборат.

Ўтган давр мобайнида қисмининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун корхона раҳбарияти билан келишилган ҳолда ёнғин ўчириш энгларни, радиостанциялар ва кўпик ҳосил қилувчи моддалар олинди.

**Н. МАМАЖОНОВ,**  
майор.

Андижон вилояти.

## ТАДБИР

## АМАЛИЁТ ЎТАШМОҚДА

Жиззах вилояти ИИБда республика ИИБ Академиясининг битирувчи ўқув курси тингловчиларидан бир гуруҳи иш ўрганиш амалиётини ўташмоқда.

Амалиёт даврида тингловчиларга вилоят ички ишлар идораларининг турли хизматларида фаолият кўрсатаётган тажрибали ходимлардан мураббийлар бириктирилди. Улар ўзларининг мутахассислик йўналишлари бўйича жойларда амалга оширилаётган тадбирларда иштирок этишмоқда ва зарур хизмат кўникмалари ҳамда иш тажрибалари билан танишмоқдалар.

Шунингдек, амалиёт давомида тингловчиларнинг ота-оналари, ички ишлар идоралари фахрийлари билан учрашувлар ўтказиш доимий анъанага айланган. Шу боисдан вилоят ИИБда бўлиб ўтган навбатдаги учрашувда тингловчиларнинг билим олиш жараёнлари, уларнинг хулқи, тартиб-интизоми борасида фикр-мулоҳазалар юритилди.

Учрашув сўнггида ўқиш ва амалиёт жараёнларида самарали натижаларга эришиб келаётган тингловчиларнинг ота-оналарига ИИБ Академияси раҳбариятининг миннатдорчилик хатлари топширилди.

**Б. БЕГИМҚУЛОВ,**  
майор.

Жиззах вилояти.

## ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН

## ЙЎЛЛАРДА МАКЕТ-АВТОМАШИНАЛАР

Муборак тумани чўл ҳудудида жойлашган бўлишига қарамай саноати ривожланганлиги билан ажралиб туради. Туман марказидан ўтувчи «Термиз – Ғузур – Нукус – Бейнов» йўли Муборакни кўшни туманлар, вилоят маркази билан боғлаб туради.

Ўтган йили туманда йигирмата оғир турдаги йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлиб, 9 киши ҳаётдан бевақт кўз юмди. 23 нафар фуқаро эса турли даражада тан жароҳати олди. Туман ички ишлар бўлими раҳбарлари бундай кўнгилисиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида аҳоли ўртасида кенг қамровли профилактик тад-

бирлар ташкил этапти. Яқинда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Серкатнов йўлининг кўнгилисиз ҳодисалар кўп содир бўладиган, коллежлар жойлашган ҳудудида йўл-патруль хизматининг хизмат автомашинаси макети жойлаштирилди. Бу янгилик йўлларда қоидабузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

– Макетни кўрган ҳайдовчилар тезликни камайтириш, қоидабузарликка йўл қўймасликка ҳаракат қилмоқда. Макетларни тайёрлашда яқиндан кўмак берган «Муборакнефтегаз» унитар шўба корхонаси раҳбарларига миннатдорчилик билдираимиз. Мақсадимиз

нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, хавфсизликни таъминлашдан иборат, – дейди туман ИИБ бошлиғи, подполковник Санжар Эргашев.

Макет-автомашиналар тезликни хуш кўрадиган айрим ҳайдовчилар учун профилактика вазифасини ўтайди. Мақбул томони шундаки, уни ҳақиқий автомобилдан фарқлаш қийин. Макетни тайёрлашда автомашинанинг ташқи кўринишидаги ҳар бир деталга алоҳида аҳамият берилган.

Кўриниб турибдики, йўлларда нохушликларнинг олдини олишда муборакликлар амалга ошираётган ишлар таҳсинга лойиқдир.

**З. ХАЛИЛОВ.**

Қашқадарё вилояти.



«ХАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ»

# ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАЙЛИК

**Йул ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йул-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 6 мартдаги фармойишига асосан жорий йилнинг 15 мартдан 15 апрелига қадар республикамиз ҳудудида «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда.**

Фармойиш талабларини бажариш мақсадида ИИБ томонидан ташкилий тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Уни амалга оширишга ҳаракат хавфсизлиги ходимлари, идора ва ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар, маҳалла фойдалари ва халқ таълими тизими вакиллари жалб этилган. Улар томонидан ҳар куни меҳнат жамоалари, маҳаллалар болалар боғчаларида учрашув ва суҳбатлар ўтказиб борилаёпти.

«Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ўтказилаётганлиги тўғрисида аҳоли кўп тўпланадиган жойлар, бозорлар олдида панно ва шиорлар ўрнатилган. Те-

леканаллар орқали доимий тарзда реклама роликлари намойиш этилаёпти. Ойлик мобайнида аниқланган қондабузарликлар меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда муҳокама қилинмоқда. Тадбир давомида махсус гуруҳлар таниқил этилиб, доимий равишда рейдлар ўтказиб борилаёпти.

Бундан ташқари, йўллар кўриқдан ўтказилиб, пидалар йўлаклар таъмирланмоқда. Йўл белгилари ўрнатилиб, эскирганлари алмаштириляпти. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳокимлик ва идораларга тақдимномалар киритилаёпти.

Ойлик бошлангач Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙХХББ ва «Маҳалла» хайрия жамғармасининг фуқароларга муурожаати ишлаб чиқилди ва жойларга тарқатилди. Вилоят, шаҳар-туман ҳокимликларида йнгилишлар ўтказилиб, ойлик давомида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Йул-патруль хизмати инспекторлари томонидан ойликнинг ўтган даврида транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш, белгиланган тезлик талабларини бузиш, йўлчиликнинг таққикловчи чироғида ҳаракатланиш, транспортни бошқариш чоғида уяли телефондан фойдаланиш, транспорт воситасининг ойналарини белгиланган меъёрлардан ортиқ даражада қорайтириш каби қондабузарликлар аниқланди.

Содир бўлаётган йул-транспорт ҳодисалари таҳлили шунини кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолларда ҳалок бўлаётганларнинг ташхиси бош мия ёки кўкрак қафаси жароҳатлари бўлмоқда. Маълумки, бу кескин урилиш ёки тормоз бериш вақтида ҳайдовчи ва олдинги ўриндикда ўтирган йўловчининг олд ойнага боши билан урилиши, ҳайдовчини рул чамбарағи қисиб қолиши натижасида юзага келади. Бундан кўринадики, агар ҳайдовчи ва йўловчи хавфсизлик камарини тақиб олганида ана шундай оғир оқибатли жароҳатларнинг олди олинган бўларди.

Шунга кўра транспорт воситаси ҳаракатланиб бораётганда ҳайдовчи ва йўловчилар томонидан хавфсизлик



камаридан мажбуран фойдаланиш жорий этилган. Ойлик доирасида ўтказилаётган тадбирлар давомида ҳаракат иштирокчиларига хавфсизлик камаридан фойдаланишнинг афзаллик томонлари кенг кўламда, мисоллар ёрдамида тушунтириб борилаёпти.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, бир йилда ер юзиде йул-тран-

порт ҳодисалари натижасида 1 миллион 200 минг киши ҳалок бўлиб, 50 миллиондан ортиғи тан жароҳати олаёпти. Хавфсизлик камаридан фойдаланиш эса бу рақамларнинг оз бўлса-да камайишига олиб келади.

«Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» давом этмоқда.  
**Мансуржон РИХСИЕВ,**  
**ИИБ ЙХХББ катта инспектори,**  
**подполковник.**

ТАДБИРЛАР

## МУРУВВАТ АЙЁМИ

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг ёнғин хавфсизлигини таъминлаётган Бухоро вилояти ИИБ ЁХБ 2-Ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди ва унга бўйсунувчи 7811-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмлари шахсий таркиби билан Наврўз байрами олдида саф кўриғи ўтказилди. Шу куни завод раҳбарияти ташаббуси билан ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларига байрам дастурхони ёзилди. Байрамда завод директори Ш. Сайдахмедов ходимларни кириб келаётган айём билан табриклади. Хизматга кўп йиллар самарали меҳнат қилиб, ҳозир нафақада бўлган фахрийлар тақлиф этилиб, уларга анъанага бинноан тўн кийдирилди. Шундан сўнг ходимларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Рустам РЎЗИЕВ,**  
**кичик сержант.**

Бухоро вилояти.

## МАРКАЗДА ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

Наврўз айёми арафасида Тошкент шаҳар ИИББ ва Юнусобод тумани ИИБ ЁХБ ходимлари 21-Меҳрибонлик уйига ташриф буюришди.



Тарбияланувчиларнинг ўз уйига айланган ушбу даргоҳ таъмирдан чиқарилган бўлиб, унда барча шариотлар яратилган. Болажонлар ёнғинлар ва уларга тан жароҳати олган инсонларнинг суратларини кўриб, уларни олов қаъридан қутқариб олаётган ёнғин ўчирувчилар ҳақида батафсил гапириб беришимизни илтимос қилишди. Ходимлар уларга соҳа ҳақида батафсил маълумот бериш мақсадида учрашувни ёнғин-техник марказида давом эттирдилар.

Ўз тарихига эга бўлган марказдаги турли экспонатлар, биноларнинг макетлари болаларда катта қизиқиш уйғотди. Марказ бошлиғи М. Мирзоитов олиб борилаётган ишлар ҳақида ганириб берди. Шундан сўнг Шайхонтоҳур тумани ИИБ ЁХБ ходимлари жанговар ва жисмоний тайёргарлик манқаларини намойиш этишди.

Учрашув болаларда катта таассурот қолдирди.

**Муслима РАҲИМОВА,**  
**катта лейтенант.**

Суратда: учрашувдан лавҳа.

Дил сўзлари

## ХАММА УЧУН КАДРЛИ

Интиқиб кутилган Меҳр ва мурувват байрами ҳам келди. Мустақиллик туфайли миллий қадриятимиз тикланишига эришдик. Бу байрам олам яшариб, янгиланадиган палла бўлгани боис ҳам айниқса, кадрли. Наврўзни юртимиздаги ҳар бир миллат ва элат кўтаринки руҳда нишонлайди. Бу барчанинг азиз байрамидир, ҳаммани тинч-тотув яшаш учун илҳомлантирадиган умумхалқ айёмидир.

**Умидкул Дўстбеков,**  
**Самарқанд вилояти ИИБ Фахрийлар кенгаши раиси,**  
**истеъфодаги полковник.**

Маълумки, республика Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва Хотин-қизлар қўмитасининг ташаббуси билан жойларда Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарининг мазмун-моҳиятини ёшлар онгига янада чуқурроқ сингдириш, дунёқарашини янада кенгайтириш мақсадида «Энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-танлови эълон қилинган эди.

### ТАРҒИБОТЧИЛАР ТАНЛОВИ

Дастлаб, мазкур танловнинг шаҳар-туман ва вилоят босқичларини ўтказилиб, ғолиблар сараланди. Сўнгра улар мазкур танловнинг республика босқичида вилоятлардан борган ғолиблар Президентимиз Фармонлари ва қарорлари, миллий қонунчиликдаги қўшимча ва ўзгартишлар борасида аҳоли

орасида олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишларини намойиш этишди. Шунингдек, бутунги кунда дунё ҳамжамиятининг глобал муаммоси бўлган «одам савдоси», «норасмий диний оқимлар», «ғиёҳвандлик аср вабоси» каби мавзуларда ўзаро беллашдилар.

Танловда республика Ички ишлар вазирлиги вакили сифатида иштирок этган, Қашқадарё вилояти ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлинмаси катта юриконсулти, катта лейтенант Зафар Ғойибназаров «Одам савдоси — инсон ҳуқуқлари поймоли» (электрон слайдли) мавзусидаги кўрғазмани чиқиши билан иштирок этиб, биринчи ўринни қўлга киритди.

**Чори КЎЧАРОВ,**  
**майор.**

Қашқадарё вилояти.

## ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ВА ХИЗМАТ МАСЪУЛИЯТИ

Бекобод шаҳар ИИБда кўриқлаш хизмати ходимлари ва уларнинг ота-оналари иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Унда Тошкент вилояти ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бошқармаси бўлими бошлиғи ўринбосари, подполковник Анвар Мусаевнинг «Ҳуқуқий маданият ва хизмат масъулияти» мавзусидаги маърузаси тингланди.

Тадбирда сўзга чиққанлар кўриқлаш хизмати ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва хизмат масъулиятини ошириш борасида ота-оналар билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлашди.

**Абдурахим БОБОНАЗАРОВ.**

Тошкент вилояти.

## АМАЛИЙ СЕМИНАР

Тошкент Ислоҳ университетида республика Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан ташкиллаштирилган «Ижро ишни юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг ижросига бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суд, Ички ишлар, Адлия вазирликлари, суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар жамият ва давлат тузилмаларининг барча жабҳаларида бўлгани каби ижро ишнинг юрйтилиши ислоҳ этиш борасида ҳам босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлашди. Шу билан бирга суд ҳужжатлари ва бошқа ваколатли органлар чиқарган қарорларни ижро этиш самарадорлигини ортиб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатлари янада ортгани ҳамда суд ижрочиларига бир қатор процессуал ҳуқуқлар берилиб, уларнинг масъулияти янада оширилгани қайд этиб ўтилди.

**Фурқат ХОЛИКУЛОВ,**  
**«Постда» мухбири.**

# ОЛТИНКУЛЛИК ИНСПЕКТОР

**Истеъфодаги подполковник Мусажон ака Асронов ички ишлар идораларида самарали хизмат қилди. Гарчи, бугун истеъфода бўлса-да, бекор юргани йўқ. Улуғнор туманида фермер хўжалиги ташкил этиб, эл фаровонлигига ҳисса қўшяпти.**

От ўрнини той босар, деганлари рост экан. Бугун Мусажон аканинг ўгли Жўрабек ота изидан бориб, ички ишлар идорасида фаолият кўрсатмоқда. Жўрабек 2003 йили Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети тасмамолаб, Олтинкул тумани ички ишлар бўлимида вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспектори вазифасида хизмат қила бошлади. Орадан бир йил ўтиб ёш офицерни профилактика инспектори этиб тайинлашди. Ҳозирда катта лейтенант Жўрабек Асронов «Марказ» худудияда жойлашган 201-милиция таянч пунктида хизмат қилмоқда.

— Худудиямизда 8 минг нафар аҳоли истиқомат қилади, — деди у биз билан суҳбатда, — Уларнинг асосий қисми фермер хўжаликларида иш билан банд. Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдуҷаббор Маҳкамов, маҳалла побонлари Зухриддин Юсупов, Маҳмуджон Исроилов ва Тўлқинжон Абдуллаевнинг кўмаги билан мавжуд учта — Қорақал-

поқ, Сарой-1, Сарой-2 маҳаллаларида тинчлик-осойишталикни сақлашда ишгирик этиямиз.

Ўтган йил давомида 4 киши жазони ижро этиш муассасасидан озод этилди. Жўрабек уларни фермер хўжаликларида ишга жойлашди фаоллик кўрсатди. 15 нафар фуқаро паспорт тартиботига амал қилмаганлигини аниқлаб, тегишли чора кўрди.

Жўрабекнинг бугунги асосий эътибори пайҳоннинг олдини олишга қаратилган. Зеро, унинг худудияда жойлашган аксарият галлазорлар мана шу худудда яшаётган фуқароларнинг меҳнати эвазига бунёд бўляпти. Эртага хирмонларимиз донга, тандирларимиз нонга тўлиши учун бугундан ҳаракат қилиш керак. Буни ҳам қишлоқлар яхши билишадди. Аммо Жўрабек ҳар бир маҳалла, хонадонда бўлиб, тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Натига ёмон эмас. Шу пайтгача бирорта кунгилсиз ҳолат аниқланмади.

Туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, майор Шуҳ-

ратбек Холматов шундай ҳикоя қилади:

— Жўрабек Асронов ҳамкасблари орасида обрўга эга. Бунга у тириш-қоқлиги, ҳаракатчанлиги, зиммасидаги вазифага масъулият билан ёндашиши туфайли эришяпти. Қишлоқ ҳаётида юзага келаётган муаммоларга дуч келган заҳоти фаолларидан Икромжон Ҳамроқулов ва Сиёсатхон Абдуллаевага мурожаат этиб, йўл-йўриқ сўрайди. Шу боис бўлса керак, қишлоқ аҳолиси ўртасида ҳам ҳурмат қозонган.

Жўрабекнинг фаолияти билан яқиндан танишгач шу нарсасага амин бўлдики, у кўпроқ эътиборни ўсмирларга қарата-япти. Бу бежиз эмас, албатта. Ахир, аҳолининг аксарият қисми ёшлардан иборатда. Шу боис ҳам милиция таянч пунктида спорт машғулотлари учун етарли шароит яратилган. Унинг фикрича, ёшлар бирор спорт тури билан банд бўлса, жиноятга ўрин қолмайди.

Бугун қишлоқ аҳли худудда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикда Жўрабекнинг муносиб ҳиссаси борлигини яхши биллади. Шу сабабли унга ҳурмат билан қарашади, ҳавас қилишадди.

**Борис КЛЕЙМАН.**

*Андижон вилояти.*

## ИБРАТ

Сафдорлар Фулом Элмуродов ва Абдураҳим Ашуров хизмат ўташарди. Улар олдида икки нафар йигит келиб, бегона шахслар куч ишлатиб, уларнинг шерикларини сим билан бўғиб, 280 минг сўмлик уяли телефонини тортиб олганлигини айтди. Ф. Элмуродов А. Ашуровга постда туришни тайинлаб, воқеа жойига етиб борди. Номаълум шахслар «Матиз» автомашинасига ўтириб қочмоқчи бўлиб турганди, Ф. Элмуродов машина олдида туриб олиб, юришига йўл бермай, уч нафар йигитни машинадан тушишга мажбур қилди. Улар аввалига ички ишлар ходимига дўқ қилиб, баланд келмоқчи бўлади. Ф. Элмуродов уларга тортиб олган уяли телефонни эгасига қайтариб беришларини айтиди. Аммо улар бизда ҳеч қандай телефон йўқ дейишди. Ф. Элмуродов жабрланувчининг рақамини тералди, уяли телефон талончи йигитлардан бирининг чўнтагида жиринглайди. Йигитларнинг сирини фош бўлгач, қочишга ҳаракат қилади. Жисмонан чирикқан, бақувват Ф. Элмуродов уларга қочиш бефойда эканлиги, агар ноҳўя ҳаракат қилса, қуролни ишга солишни айтиди. Ёрдамчи куч етиб келгунича уларни ушлаб туради.

Ички ишлар ходимлари, хусусан сафдор Фулом Элмуродов ҳаётида бундай воқеалар ягона эмас, албатта. Ҳушёрлик, вазифасига виждонан ёндашиш, бурчига

# ЙИГИТ КИШИНИНГ БАХТИ



садоқатлилик ҳисси билан ёнган йигитлар ҳар қандай вазиятда ҳам қонунбузар, тартиббузар, ҳуқуқбузарлик қилган шахсларни қўлга олиб, зарарсизлантириб, осойишталикни таъминлайди. Ана шулардан бири республика ИИБ ППХ ва ЖТСББ алоҳида милиция батальони 3-отряд 3-гурӯх милиционер, сафдор Фулом Элмуродовдир.

Дарвоқе, у моҳир спортчи ҳам. У шунчаки саломатликни мустаҳкамлаш учун шугулланмайди, балки қўл жанги, кураш мусобақаларида фаол ишгирик этади.

Йигит киши табиатан қизиқувчан бўлиши керак. Атрофда бўлаётган воқеа, ҳодисаларга бе-

фарқлик инсонни худбин қилиб қўяди. Фулом ҳамкасбларининг хизмати, уларнинг юриш-туришига назар солиб, яхши томонини ўзлаштиришга, ёмон хислатлардан эса воз кечишга ҳаракат қилади.

Унинг ички ишлар идораларида хизматни бошлаганига эндигина уч йил бўляпти. Аллақачон жамоада ўз ўрнини топган. Муносиб ҳурмат-эътибор қозонган. Бизнингча йигит киши учун бахт шу бўлса керак.

**Фуркат ХОЛИҚУЛОВ.**

*Суратда: сафдор Фулом Элмуродов отряд командири ўринбосари, капитан Баҳодир Эргашев билан.*

**А. КЕНЖАЕВ**  
олган сурат.

# МЕҲНАТДАН ОБРЎ ТОПДИ

**Урганч шаҳар деҳқон бозори худудияда хизмат вазифасини ўтаётган катта сержант Азимбой Сотиболдиев кимнингдир жон ҳолатда қичқирганини эшитиб қолди. Ҳуқуқ-тартибот побони бозор яқинидаги ер ости йўлаги томон югурди. Зинапоёга чиқиш жойида бир киши юз тубан йиқилиб ётарди. У инграганча, бир кимса қорнига пичоқ уриб, сумкасидаги пулларни олиб қочганини айтдию, ҳушидан кетди.**

Бир-бирдан ширин фарзандлар туғилиши оилани янада мустаҳкамлаб, бахтни тўқис қилди. Аммо... Ҳаёт сўқмоқлари ҳамини гулзор оралаб ўтмаскан. Унинг йўлларида тиканзорлар, пасту баланди, ўйлим-чуқурликлар уч-рар экан.

1999 йилнинг 18 февralи. Ҳар доимгидек сеvimли умр йўлошини ишга кузатар экан, Зулхуморнинг юрагини нимадир гижимлагандек туюлди. Иккинчи фарзандига ҳомилалор эмасми, буни шунчаки, ўткинчи ҳолат деб тушунди. Бироқ қўли ишга бормас, хаёллари парижон, кўнглидаги аллақандай хиралик тобора куюқлашаётгандек эли назарида. У ҳомиласидан ха-

сизлигига масъул эмасми, омонмикан ишқилиб?!

Бирданига кўнглидаги безовталик сабабини англагандек бўлди. Ҳа, юраги сиқилаётгани бежиз эмаскан. У шопилиб кийина бошлади. Шу тобда телефон жиринглади...

Зулхуморнинг бахтига Дилмуроднинг тўрт мучаси соғ қолган, аммо хунрезлик унинг руҳиятига таъсир этмай қолмаганди. Аввалига ёшнинг зўр келди-ми ёки йигитлик ори кучлилик қилди, Дилмурод: «Мен яхшиман» дея ишга чиқиб кетди. Лекин жароҳат жароҳат экан-да, оридан устун келди. Уни вужуди билан ҳисоблашишга мажбур қилди. Бир йилча ишлаган Дилмурод ногиронлик нафақасига чиқинга мажбур бўлди.

инспектори, кичик сержант Зулхумор Қодирова. — Фарзандлар тарбияси у кишининг зиммасида. Ота тарбияси барибир бошқача-да. Ўғлимиз ва қизимиз мактабда аъло баҳоларга ўқияпти. Кенжамиз эндигина уч ёшда. Дилмурод акам мен учун аввал қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам шундай. Мабодо, мўъжиза рўй бериб, яна орта қайтиш имкони туғилса, мен барибир шу одамни, шу касбни, шу ҳаётни танлаган бўлардим.

Зулхуморнинг қатъияти, кучли иродаси унинг турмуш, рўзгорнинг айрим кемтикларини, оғир юки, қийинчиликларини енгиб ўтишида кўл келяпти. Бу ота-онасининг ўз вақтида берган ўғитлари маҳсулидир эҳтимол.

## ЯХШИЛАР КЎП — ОЛАМ МУНАВВАР

## МАЛИКА ОПАНИНГ ШОДЛИГИ

Фарғонада капитан Малика Алиматовани кўпчилик танийди. Қарийб 28 йилдири, у бир жойда — вилоят ИИБ ҲООБ қошидаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида хизмат қилиб келаяпти. Айни пайтда марказнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш катта инспектори. Утган давр ичида унинг хизмат юзасидан кўрган-кечирганларини қаламга оладиган бўлсак, катта китобга жо бўлиши табиий.

Марғилон шаҳар ИИБ ходимлари Шарифа Жалилова деган қизни марказга олиб келишди. Малика ўсмир қизнинг дил-достони билан танишар экан, олатдаги сархуш кайфияти ўрнини алам ва андуҳ эгаллади.

— Ота-опам 1995 йилда ажрашиб кетгани, — дейди ғамгинлик билан қизгина. — Синглим ва мен онамнинг қарамоғида қолдик. Орқаворотдан отамнинг уйланганини эшитдим. Онам эса невараличеварали бир чолга тегди. Бу унинг тўртинчи бор турмуш қуриши. Ўғай отам — соқоллари кўксига тушган киши бўлса-да, меҳр-шафқатдан ҳам, иймондан ҳам йироқ киши экан. Унга қўшилди бир ҳовлида яшайдиган ўғин ва келини ҳам турткилайвериб, бизга кун беришмаяпти. Тунов

кунни қаерда яшасанг-яшайвер, фақат бизникида эмас, деб кўчага ҳайдашди. Синглимни аммам қарамоғига олди. Мен эса ёрдам сўраб, маҳалла раисига мурожаат қилдим.

— Онанг-чи, у сизларни ҳимоя қилмадими? — сўради Малика қошлари асабий чимрилиб.

— Ҳамма гап шунда-да! Отам билан ажратилгач, у ёмон йўлларга кириб кетган. Ҳатто бир марта ортидан билдирмай кузатиб бориб, ёмон эркак-аёллар тўпланадиган ташландиқ уйга кирганини, ўша ерда ароқ ичиб, сигарета чекканини ўз кўзим билан кўрганман. Шу тахлит отамдан қолган ҳовли ҳам бизга насиб қилмади. Ҳозир биз ҳақимиздаги гап-сўзларга аралашса, ўзи ҳам ҳайдалиб, кўчада қолишини яхши билади.

Шуни учун тили қисик, дарди ичида.

— Отанг-чи, у ҳам сизлардан хабар олмайдими?

— У ҳозир Россияда. Мени ҳам ўзи билан олиб кетмоқчи бўлганида, нима учундир уйдагилар изн беришмаган.

— Майли, қязим, куюнаверма! Сени ёлғизлатиб қўймаймиз, — деди Малика опа ва тарбиячини чақириб, Шарифани ётоқхонага жойлаштириш лозимлигини айтди.

...Эҳе, Малика опа узоқ йиллик хизмат фаолияти мобайнида ота-она меҳридан мосуво бўлиб, кўчада қолган, назоратсиз юриб

тарбияси бузилган қанчадан-қанча вояга етмаганларнинг аччиқ қисматиға гувоҳ бўлмади дейсиз! Кимлардир тирноққа зорлигини била туриб, фарзанди тақдирига бефарқ қараётганлар қанақа она экан-а!

Малика опа ҳам она. Турмуш ўртоғи Журақўзи ака 2000 йилда вафот этган бўлса-да, уч пафар фарзандини ҳам оқ ювиб-оқ таради, уларнинг стимлигини билдирмади. Ҳам ота, ҳам она бўлди. Уларнинг еб-ичишларию кийинишларидан ташқари тарбияга ҳам жиддий эътибор берди.

Мана, бу кунлар ҳам орта қолди. Айни пайтда катта ўғли Жаҳонгир ўзи билан бирга марказда ҳужалик мудури лавозимида ишляпти, қизи Мафтуна — даволаш муассасаси хизматчиси, кенжаси Наврўбек эса коллеж талабаси. Бир сўз билан айтганда, иймонли-диёнатли бўлиб улгайганлари учун уларга, шундай қобил фарзандларни тарбиялаб-вояга етказганлиги учун Малика онага ҳамма ҳавас қилади.

Масалата шу нуқтаи назарда қараганда, мана бу мотамсаро қизни — Шарифани сарсон-саргардонликка-ю хор-зорликка гирифтор этган аёлни, гулдек фарзандларини ўзи ишонмаган аёл қўлида қолдириб, мўмай даромад орттириш учун ўзга юртларга кетган эркакни нима деб аташ мумкин?

...Эшикнинг оҳиста тақилани капитан Алиматованинг дилгир хаёлларини тўзғитиб юборди. Хонага кирғиз миллатига мансуб бир аёл ва қўшни республика ички ишлар ходимлари кириб келишди. Малика опа дарров тушуниб етди: меҳмонлар Қирғизистоннинг Қадамжой туманида

яшовчи, 1996 йилда туғилган, шу йил 5 февраль кунини уйдан чиқиб келиб, қайтиб бормаган Муштарий Ёқубовани излаб келишгандир ҳойнаҳой. Марғилонга келиб қолиб, энди қаерга боришини билмай дол бўлиб турган қизалоқ ҳам ички ишлар ходимлари томонида марказга келтирилганди. Малика опа у билан суҳбатлашгач, 7 февраль кунини яқинларини топиш мақсадида телеграмма жўнатганди.

Қизалоқнинг онаси Мавлуда Абдуразоқова дилбандини кўрибоқ уни бағрига олди.

— Раҳмат, опагон, Муштариини топиб берганларингиз учун сизлардан умрбод миннатдорман! — деди кўзларидан оқётган севинч ёшларини тўхтатолмай.

Аммо худди шу пайтда Малика опанинг шодлиги ҳам уникидан кам эмасди. Орамизда Малика опа сингари яхшилар кўп шунинг учун олам мунаввар, шунинг учун инсонлар қадрли, уларнинг номи улуглир.

Раҳмонали ҚОСИМОВ.  
Фарғона вилояти.







**ДИЛ СЎЗЛАРИ**

# АСРГА ТЕНГДОШ УМР

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида яшовчи Раҳбар она Инағомова шу кунларда 103 баҳорни қаршиладилар. Қутлуғ айём арафасида аср тенгдоши бўлмиш табаррук онахон билан учрашиб, унинг дил сўзларини ёзиб олишга муваффақ бўлдик.

— Ҳар кимни байраму тўйларга етказсин. Умрим давомида яхши-ёмон кунларни бошимдан ўтказдим. Айниқса, уруш давларини эслашнинг ўзи оғир. Қанчадан-қанча навқирон йигитлар урушда ҳалок бўлди. Мен ҳам беш нафар фарзандим билан қолганман. Оғир кунларни меҳнат билан енгил мумкин, аммо армон ба-рибир дилдан ўчмас экан.



Болалигимдан Наврўз байрамини яхши биламан. Айниқса, сумалак пишишини интизорлик билан кутардик. Сумалак пиширилган уй худди тўйдай бўлиб кетарди. Бутун маҳалла ишғирок этарди. Аёллар лапар айтишар, ўйин қулгу бўларди. Шўро пайтига келиб, Наврўзни нишонлаш бекор қилинди, кўп удумларимиз эслап чиқиб кетди. Лекин маҳалла аёллари билан бекитикча сумалак пиширганимиз ҳам ёдимда.

Мустақиллик туфайли яна дошқозонларда сумалак қайнаётганидан жуда мамнунман. Ҳар баҳорда ҳаммамиз сумалак тайёр бўлишини интизорлик билан кутамиз. Биз кексаларни эъзозлаётган Юртбошимизга раҳмат. Невара, чевараларимга мана шу дориламон кунларнинг қадрига етинглар деб айтаман. Юртимиз янада обод бўлиб, ҳар бир хонадонда тўй бўлсин дея, дуо қиламан.

Табаррук онахоннинг дил сўзларини Умида БОЛЛИЕВА ёзиб олди.

**«ТОЗАЛАШ – АНТИТЕРРОР»**

Наврўз айёми олдидан республиканинг барча вилоятларида кенг қамровли «Тозалаш – Антитеррор» махсус тезкор-профилактик тадбири ўтказилмоқда. Одатдагидек, унда ички ишлар идораларининг соҳавий хизматлари, саф бўлимлари фаол иштирок этмоқда. Шунингдек, жамоатчилик вакиллари, маҳалла фаоллари ва посбонлари яқиндан ёрдам кўрсатишяпти.

«Тозалаш – Антитеррор» тадбирининг таҳлили ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, республикада криминоген ҳолат сезиларли даражада пасайганини кўрсатмоқда. Бу қувонтирувчи ҳолат ички ишлар ходимларининг туну кун, тинчлик сазой-ҳаракатлари натижаларидан бири, яъни фуқароларимиз хавфсизлигини таъминлаш учун бор куч ва ғайратларини сарфлашяпти.

Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманида «Матиз» русумли транспорт воситасида йўловчиларни ташиш билан шуғулланувчи Зоҳид исмли шахс бир ёш аёлни манзилга олиб бориб қўйишни таклиф этади. Йўловчи машинага ўтириши билан унга ташлашиб, 600 минг сўм пули бўлган сумкасини олишга ҳаракат қилади. Агар ушбу худудда хизмат олиб бораётган ички ишлар ходимлари бўлмаганда фалокат юз бериши муқаррар эди. Талончи ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан далилий аниқлик билан ушланди. Энди у ноҳўя ҳаракатлари учун

қурол ва 11 лона патрон чикди. Ушбу қурол нима сабабдан ноқонуний сақланаётганиги тергов жараёнида аниқланди.

«Тозалаш – Антитеррор» тадбири муваффақиятли ўтказилишида ички ишлар ходимларига аҳоли сезиларли ёрдам кўрсатмоқда. Кўчалар, жамоат жойлари, шунингдек, маҳаллаларда вазиятни доимий равишда назорат қилиш мақсадида кенг жамоатчилик, маҳалла фаоллари ва посбонлари билан яқин ҳамкорликда туну кун хизмат олиб боровчи шайда патрулик йўналишлари ташкил этилган.

Ҳозирда хонадонларни текшириб чиқиш, фуқароларнинг паспорт-виза тартиботи қоидаларига амал қилишини назорат этиш, шунингдек, яшаш жойи бўлмаган ҳамда қонунбузарликлар солир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлашга қаратилган тадбирлар ўтказилмоқда. Ички ишлар ходимлари ўз олдларига қўйилган вазифаларни юқори даражада бажаришди, албатта. Покланиш ва янгиланиш айёми бўлган Наврўз жойларда тинч-осойишта, кўтаринки руҳда ўтиши учун бор имкониятлар ишга солинаверди.

Д. ЗИЯМАТОВ,  
подполковник.

## КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК КЎМАГИДА

қонун олдида жавоб беришига тўғри келади.

Бухоро вилояти Гиждувон туманидаги корхона ичкиси омборхонада жиний шериклари билан ўз ҳолича «рейд» ўтказиб, олти миллион сўмлик металл қувурларни ўғирлади. Аммо ҳуқуқбузарлар ўмарилган нарсаларни олиб кетишга улгура олишмади. Чунки ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан жиний гуруҳ аъзоларининг барчаси жиноят жойида қўлга олинди. Ўғирлик қилган шахслар қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришларига тўғри келади.

Яна бир мисол. Самарқанд шаҳрида ўтказилган профилактик тадбир пайтида фуқаро Н. Раҳмоннинг уйдан тегишли ҳужжатларсиз «Иж-18» русумли ўқотар

**ПАСПОРТ ТАРТИБОТИ – ҲАЁТ ЗАРУРАТИ**

Хорижга хизмат сафарига борган ёш йигитнинг фуқаролик паспортига кўз югуртирган маҳкама ходими унга илтифот кўрсатди. Назоратчи ота-онаси билан серкўёш дийоримизда бўлган, мамлакатимиз бой тарихий ўтмиши, архитектураси, бозорлари, сархил мевалари, сахий ва бағри кенг одамлари ҳақида катта таассуротга эга экан.

— Бундай ибратомуз мисоллар кўп, — дейди Сурхондарё вилояти ИИБ ХҲК ва ФРБ бошлиғи, подполковник Бахтиёр Қурбонов. — Чиндан ҳам миллий фуқаролик паспортимиз давлатимиз, мустақиллигимиз, ғуруримиз, ифтихоримиз рамзидир.

Вилоят ИИБ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси, унинг бўлимлари фуқаролик паспортини бериш, алмаштириш, чет эл фуқароларининг мамлакатимиз худудида бўлишлари, транзит ўтишларини назорат қилиш ва бу борадаги қонун-қоидаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бунда ўзини ўзи бошқариш органлари, корхона, ташкилот, таълим-тарбия муассасалари раҳбарлари билан ҳамкорлик катта самара бермоқда. Яқунданган йилда 125 мингдан кўпроқ кишига фуқаролик паспорти берилди. Уларнинг аксарият қисми илк бор бундай ҳужжатга эга бўлган ёшлардир. Паспортларни топшириш жараёни тантананага айланапти. Бундай чоғда фуқароларларга мустақиллик, давлат, фуқаролик тушунчалари, бундан ғурурланиш, ифтихор туйғуларни тўғрисидаги суҳбатларга алоҳида эътибор берилаяпти. Айниқса, мактаблар, лицейлар, коллежлар ва олий-

## ҒУРУР ВА ИФТИХОР РАМЗИ

гоҳларда бу тадбир ёшлар байрамига айланапти.

Паспорт-виза қоидаларига амал қилиш устидан доимий назорат ва профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда. Паспортларнинг амал қилиш муддати, манзил қайдловига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фуқаролик паспорти бўлмаган шахсларга нисбатан суриштирув ишлари олиб борилаяпти. Яқунданган йилда кўплаб бундай қоидабузарликлар аниқланди. Ҳар бир қоидабузарлик бўйича баённомалар расмийлаштирилди. Турар жойлар, маҳаллалар, ётоқхоналар, чегара ва блок-постларда, ЙПХ масканларида ана шундай тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда. Айниқса, корхона, ташкилот, муассасаларда ишчи-хизматчиларни ишга қабул қилиш чоғида ҳам паспорт-виза қоидаларига риоя этилиши устидан назорат текширувлари олиб борилди. Вилоят худудида ўтказилган режали ва махсус тадбирлар чоғида паспорт-виза қоидаларига амал

қилинишини тартибга солиш билан бирга қатор ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар ҳам очилди. Қидирувда бўлган ўнлаб фуқаролар ушланди. Фарзандлари учун нафақа тўламай, қочиб юрган фуқароларнинг манзилларини аниқлаш ва улардан тегишли тартибда давлат қарзларини ундириш тадбирлари кўрилди.

Паспорт-виза қоидаларига амал қилмаган, мамлакатимиз худудига кириш-чиқиш, бўлиш қоидаларини бузган, ҳамдўстлик ва хорижий мамлакатларнинг ўнлаб фуқароларига нисбатан қонун-қоидаларда белгиланган тартибда чора-тадбирлар қўлланилди. 15 мингдан кўпроқ шахсларга нисбатан тегишли тартибда баённомалар тузилди. Мамлакатимизда бўлиш қонун-қоидаларига риоя этмаган 78 нафар фуқаро худудимиздан чиқариб юборилди.

Ишлаш, саёҳат, хизмат сафарига ёки бошқа ниятларда хорижга бориш истагида бўлганлар учун мунтазам тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Бугунги кунда миллий фуқаролик паспортимизга ҳеч ким бефарқ эмас. Вилоят ИИБ ХҲК ва ФРБ бошлиғи, подполковник Бахтиёр Қурбонов билан суҳбатимиз бошидаёқ бу ҳужжатнинг нуфузи хусусида сўзлашгандик. Ростдан ҳам шундай, бу мамлакатимизнинг ташки дунёдаги обрўси ошиб бораётганлиги билан ҳам белгиланади.

Сафарали ОМОНТУРДИЕВ,  
«Поста» мухбири.  
Сурхондарё вилояти.

**ВАТАНГА ХИЗМАТ – ОЛИЙ ШАРАФ**

## ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛИШДИ

ИИБ Қоровул қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда баҳорги чақирувдаги аскарларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.



Унда Қоровул қўшинлари штаб бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи, полковник М. Абдуллаев аскарларни ҳарбий қасамёд қабул қилганликлари билан табриклар экан, доимо сергак ва хушёр бўлиб, она-Ватан ҳимоясидек муқаддас ва шарафли вазифани виждонан бажаришлари, қолаверса, йигитлик бурчларини сийқидилдан адо этиб, ота-оналари бағрига соғ-саломат қайтишларига тилак билдирди.

Шунингдек, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод туман кенгаши ходими Ҳ. Исаметов ва ҳарбий қисм фахрийлар кенгани раиси, истеъфодаги полковник В. Лазерев сўзга чиқиб, ўз дил сўзларини изҳор этилар.

Республикаимизнинг

турли вилоят ва шаҳарларидан ташриф буюрган ота-оналар номидан Фарғона вилояти Тошлоқ туманилик олдий аскар Ойбек Абдураҳмоновнинг бобоси Низомиддин бобо, Сурхонларё вилояти Бойсун туманилик олдий аскар Хушнингжон Насруллаевнинг онаси Ҳалимахон Минглиева сўзга чиқиб, ёш аскарларни унутилмас кун билан муборакбод этдилар. Шу билан бирга, бугунги тантанали тадбирда ишғирок эътиборларидан, айниқса, фарзандларининг алп қоматларига ярашиб турган ҳарбий либосда, қўлида қурол билан ҳарбий қасамёд қабул қилаётган дақиқаларда қалбларини фахр-ифтихорга тўлган ҳолда Ватан олдидаги йигитлик бурчларини аъло даражада ўташ-

ларида омад ёр бўлишини тилаб қолдилар.

Шундан сўнг аскарлар капитан В. Яковлев бошчилигидаги ҳарбий оркестр салдолари остида шахдам қадамлар билан сафдан ўтдилар.

Тадбир сўнггида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тожибар Азизова ва ҳарбий оркестрнинг яққохон ижрочилари Дилшод Бойхонов, Азизхон Қодирхонов томонидан ижро этилган концерт дастури барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

Бундай тантанали тадбирлар Қоровул қўшинларига қарашли бошқа ҳарбий жамоаларда ҳам бўлиб ўтди.

Бахриддин ЛУТФУЛЛАЕВ,  
катта сержант.  
Муаллиф олган сурат.

# Кўклам илҳомлари

## НАВРҮЗ КЕЧАСИ

Атир сепган келиндай хушбўй кўклам этаги,  
Сархуш майсалар куйлар сарин ел етагида.  
Ҳайқароқ боладай кўкдан сочур ой хокин,  
Самовий жаранг келур қаҳқашон этагидан.

Қирда ўчоқ бошида куймаланар кекса — ёш,  
Бугун Наврўз кечаси, ҳа, Наврўз кечаси-да.  
Дошқозонда сумалак қайнайди мисли қуёш,  
Илк бўса мазаси бор сумалак мазасида.

Боболар қийиқ кўзин момоларга тикканда,  
Уйғонган шуурига ойдинликнинг тафти ёр.  
Ой қизлар нафаси бор ёнаётган гулханда,  
Сумалак ҳовуридай етук қизнинг бахти бор.

Бозори доим чаққон йигитлар нечун ўйчан,  
Тигдек тилғувчи нигоҳ маънос тортган беомон.  
Табассумида ошкор изҳори ишқ шўласи,  
Ҳа, муҳаббат шундай-да, тизгинлайди бегумон.

«Оқ суяк»ми ё «чиллак» ўйнар ой супрасида,  
Юзурик бахти билан ҳамроз шаддоод болалар.  
Қизчалар куйин англлар тошқин сой шоввасида,  
Илк исмсиз сурурдан қалбда ёниқ лолалар.

Одам Ато қайтадан шу кун келмиш жаҳонга,  
Кўклам ҳиди анқимиш япроқлар нафасида.  
Иқболидай нур сочиб, ҳарорат униб жонга,  
Учоқ кўри ловулар ўзбекининг ўлкасида.  
Бугун Наврўз кечаси, ҳа, Наврўз кечаси-да...

Ўроз ҲАЙДАРОВ.

## ЖОУНАЖОН ҲАЖАМ

Юрагимда урар Ватан зарблари,  
Кўнглимда нимадир қилар ғалаён.  
Соғинчдан бошланар қалбим дардлари,  
Кўзларимда сенинг ишқинг намоён.

Сен менинг биринчи севгимсан — Ватан,  
Нигоҳим тушган дам титроққа ботган.  
Онамсан, фидо деб, сенга жону тан,  
Мен сабаб яноғда ёшлари қотган.

Отамсан, ҳалоллик кетмонин тутган,  
Иқболим кўзлаган ўзин унутган.  
Момомсан, соғиниб, интизор кутган,  
Менга кулча бериб, талқонин ютган.

Оғамсан, жасорат белбоғин боғлаб,  
Тумордек қалқоним посбоним бўлган.  
Опамсан, гўзаллик кўнглини чоғлаб,  
Нафосат саройи гулларга тўлган.

Фахримсан, боримсан эй, она-Ватан,  
Қизингман, бахтлиман кувноқ, шўх-шодон.  
Қаламим тебранар сен учун ҳар дам,  
Жонажон ўлкамсан, сенга шараф-шон.

Моҳларой БАҲОДИРХОНОВА.

## ФАСЛАРНИНГ БОШИ ҲАМ ОАЧИ

Саболарни наво айлаб, куйга солғувчи,  
Йўлга чиққан ошқларни ўйга солғувчи,  
Йигит-қизнинг юрагидан хабар олғувчи,  
Менинг суйган Наврўзимсан, Наврўзимсан сен,  
Элим суйган Наврўзимсан, Наврўзимсан сен!

Ёр-ёр айтган йигит-қизнинг сирин яширган,  
Бир-бирига муҳаббатин хандон оширган,  
Ёр васлига етишмоққа ҳар дам шоширган,  
Менинг суйган Наврўзимсан, Наврўзимсан сен,  
Элим суйган Наврўзимсан, Наврўзимсан сен!

Фариштадай момоларнинг сирин биларсан,  
Ҳасса тутган боболарга умр тиларсан,  
Муҳаббатнинг булоғига тўзим тиларсан,  
Менинг суйган Наврўзимсан, Наврўзимсан сен,  
Элим суйган Наврўзимсан, Наврўзимсан сен!

Фасларнинг боши ўзинг, сардори ўзинг,  
Чанқаб турган юракларнинг анҳори ўзинг,  
Муҳаббатнинг асл дури, гавҳари ўзинг,  
Менинг суйган Наврўзимсан, Наврўзимсан сен,  
Элим суйган Наврўзимсан, Наврўзимсан сен!

Холикул ҚАЙНАРОВ,  
истеъфодаги старшина.

Жиззах вилояти.

## ҚАДРИЯТ

Сумалак қадимий шарқ халқларининг севимли таоми бўлиб, маълумотларга кўра унинг тарихи эраמידан аввалги минг йилликларга бориб тақалади. Ривоят қилишларича, сумалак аслида «сималак» — ўттиз пари, ўттиз фаришта дегани. Уни пишираётганда қозон бошида ўттиз малак ўтиради. Эмишки, сумалакни ошпаз эмас, ўша парию фаришталар пиширади. Тонг маҳали ҳамма чарчаб ухлаб қолганда, фаришталар сумалакка туз соладилар. Яъни фаришталар қўлидан туз еган сумалак ширин бўлади.

Шунингдек, тарихнинг гувоҳлик беришича «Сумалак» форсча «Самони» — бугдой майсаси сўзилан келиб чиққан деб фараз қилинади. Сумалак Наврўз билан алоқадор аниана ҳисобланади. Уни тайёрлаш учун керакли бугдой маросимда иштирок этувчи ҳар бир зонадондан тўпланади. Сумалакни тайёрлашда эса кўпроқ аёллар иштирок этади. Уни пиширадиганлар пазандагина бўлиб қолмай, шу билан бирга бу борадаги қадимий урф-одатлар, қўшиқ ва лапарларни яхши билиши, ҳар томонлама ҳалол, қўли ва дили пок бўлмоғи лозим. Қутлуғ ош қутлуғ киши қўлида пишмоғи керак. Фақат ошпазгина эмас, балки унга ёрдам берувчилар ҳам покиза бўлмоқлари талаб қилинади. Сумалак ана шундай беғубор ва нозик, қутлуғ таом ҳисобланади.

Қайси ҳовлида сумалак пишса, кечкурунлари ўша

Лола гул алвон-алвон  
Сумалак берар дармон,  
Сумалак етмай қолган,  
Бир умр қилар армон...

Ушбу дармондориларга бой, хушхўр, ва тансиқ таомни тайёрлаш жараёни айниқса аёллар ўртасида катта тантана билан

бўйи бўлганда (3—4 кундан сўнг) уни бўлақларга бўлиб, тахтадан ажратиб олиниб, қиймаланади ва устидан сув қуйиб аралаштирилади. Шарбати докада сузилади. Шу тариқа уч марта шарбат олиниб, алоҳида идишларда сақланади.

Қозонда нахта ёғи доғланиб совутилади. Ёққа уни ва биринчи сузилган шарбат аралаштирилиб, баланд оловда қайнатилади. Иккинчи сузилган шарбат қуйилиб, бу ҳам қайнагач, учинчи сузилган шарбат қуйилади. Шу тарзда баланд оловда қайнатилиб давом эттирилади. Тагига олмаслиги учун қозонга ёнғоқдек келадиган 15-20 та силлиқ тошчалар, 10-12 дона ёнғоқ ювиб солинади. Сумалак пишириладиган қозон тагига олмаслиги учун бетўхтов кавлаб турилади. Сумалак етилгач, қозоннинг олови олиниб, 5-6 соат дамлаб қуйилади.

Хулоса ўрнида айтилган бўлса, сумалак тайёрлаш жараёни ҳам Наврўз сингари авлодаждошлардан мерос бўлиб келадиган қадимий қадрият бўлиб, у шарқ халқларининг энг севимли ва тапсиқ таоми бўлиб қолаверди.

Фуркат ХОЛИҚУЛОВ.

# СУМАЛАК — ТАНСИҚ ТАОМ

ерда ўйин-томоша авжига чиқади. Сумалакни дамбадам кўзгаб туриб кўниқ айтилади:

Сумалак бо пишоди,  
Қозонга ёпишоди.  
Сумалак ёйдиганлар  
Қумурсқадай чопишоди.  
Ёқиб гулдан ажга тиласи,  
Жин-ажина қочишоди,  
Одам Ато, Момо Ҳаво,  
Қут барака сочишоди.

ўтади. Жайлари қизил, қайроқи бугдой тозаланиб, совуқ сув билан ювилади. Зангламайлиган идишга солиниб, уч кун ивитиб қуйилади. Бугдой ниш урғач тоза тахта устига 1-1,5 см қалинликда ёруғроқ, лекин қуёш нури тушмайлиган жойга ёйиладилар ва ҳар кун эрталаб сув пуркаб турилади. Бугдой майсаси (кўк) игна



## КРИПТОГРАММА — КРОССВОРД

Шакл атрофидаги рақамларда Юртбошимизнинг ибратли сўзлари яширинган. Уни аввал куйидаги калит сўзларни топиб, улар асосида билиб олинг.

1. Наврўз бошланадиган шарқона ой — 21,2,3,2,5.
2. Манзарали ўсимликдан тайёрланадиган ширинлик — 11,6,5,8,2,4,9.
3. Бир турли попукли ўсимлик — 7,10,12,2,14.
4. Омад, иқбол — 22,2,16,17.
5. Вақт ўлчови бирлиги — 13,1,5.
6. Гуллаган маскан — 18,2,3,2,4.
7. Ёғду, нур — 15,1,19.
8. Сайёра — 20,7.


### КРОССВОРД

Бўйига: 2. Шифобахш ҳўл мева. 3. Таомга ишлатиладиган кўкат ўсимлик. 5. Инсон кайфиятини кўтарувчи, Наврўз сайилларида ўтказиладиган сўз усталари баҳси. 8. Кўклам элчиси, қуш. 11. Болаларнинг баҳорги ўйини. 12. Ҳосили пазандаликда

ишлатиладиган экинлар мажмуи. 13. Одатда байрам муносабати билан ўйналадиган миллий чавандозлик мусобақаси. 14. Қизлар сочпопуғи. 15. Серилдиз, бегона ўт. 16. Биячилик маҳсули. 17. Митти сайроқи парранда. 18. Дуккакли экин. 21. Мой ва тола олинадиган экин. 16. Гул шайдоси, ҳашарот. 27. Болаларнинг баҳорги учқичи. 29. Наврўз таомига ишлатиладиган кўкат. 30. Гулламай ҳосил тугувчи ҳўл мева.

Айлана ва ёйлар бўйича: 1. Ёруғлик ва ҳарорат манбаи, коинот жисми. 4. Айёмнинг рамзий таоми. 6. Тоғ атиргули, меваси дармондорига бой бута. 7. Йил фасли. 9. Қирлик ер. 10. Хушбўй, кўркам гул. 17. Серсоя дарахт. 19. Ўт-ўлан. 20. Бошоқли экин. 22. Ниҳол. 23. Эртапишар қовун нави. 24. Манзарали хушбўй ўсимлик. 25. Кайфиятни кўтарувчи хангома. 28. Кўклам чечаги. 31. Ҳаёт асосларидан бири, манбаи. 32. Сув йўли. 33. Оммалашган халқ қўшиғи.

Фозилжон ОРИПОВ.







**ЎҚ ОТИШ**

**МЕРГАНЛАР БЕЛЛАШИШДИ**

Тошкент шаҳрида пневматик қуролдан ўқ отиш бўйича республика очиқ чемпионати бўлиб ўтди.

Қизиқарли кечган беллашувларда ҳар бир жамоа вакиллари мерганлик маҳоратларини спондан ўтказишди. Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри жамоаси биринчи ўринни банд этди. Фарғона вилояти мерганлари шохсупанинг иккинчи поғонасини эгаллади. Самарқанд вилояти жамоасига эса учинчи ўрин насиб этди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур беллашувларда динамочиларимиз ҳам муваффақиятли қатнашиб совриндорлар сафидан жой олишди. III – 3 мапқида ўқ отиш бўйича спорт устаси, республика «Динамо» ЖТСЖ аъзоси Сергей Возмешев 670 балл тўплаб, биринчи ўринни қўлга киритди. Александр Шуригин (Самарқанд вилояти) иккинчи, Азизбек Эсонбаев (Тошкент вилояти) эса учинчи ўрин билан кифояланди.

Ғолиб жамоа ва совриндорлар фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Зилола ХОЛМЕТОВА.

Тошкент шаҳри.

**ФУТБОЛ**

**НАТИЖА ЭМАС, ТАЙЁРГАРЛИК МУҲИМ**

Сирдарё вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ўйингоҳида Наврўз байрами муносабати билан вилоят ички ишлар идоралари шахсий таркиби ўртасида мини-футбол бўйича мусобақа бўлиб ўтди.

Тадбирни вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, майор Олимжон Абдуллаев очди ва мусобақа иштирокчиларини қизғин муборақбол этиб, барча жамоаларга омад тилади.

Мусобақада жамоанинг эришган натижаси билан бирга, ҳодимларнинг жисмоний тайёргарлик даражасига ҳам эътибор қаратилди.

Беллашувлар қизиқарли ва мурасимиз баҳсларга бой тарзда ўтди.

Умумжамоа ҳисобида вилоят ИИБ тергов ҳибсхонаси жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўрин-

лар вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ҳамда бошқарма ИИХ ва ЖТСБ жамоаларига насиб этди.

Мусобақа якуни бўйича «Энг яхши ҳужумчи» бошқарма патруль-пост хизмати ходими Зонир Каримқулов, «Энг яхши дарвозабон» тергов ҳибсхонаси ходими Шуҳрат Қурбонов ва «Энг яхши ҳимоячи» Боёв тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходими Обид Холбоев деб топилди.

Мусобақа ғолибларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Н. ЙЎЛДОШЕВ, катта лейтенант.

Сирдарё вилояти.

**ФУТБОЛ**

**«ПАХТАКОР» ГУРУҲ ПЕШҚАДАМИ**

Осиё чемпионлари лигаси мусобақасининг «А» гуруҳида пешқадамлик қилаётган «Пахтакор» (Тошкент) футболчилари иккинчи турда Саудия Арабистонининг «Ал-Ҳилол» жамоаси билан куч синашди.

Учрашувнинг биринчи бўлимида меҳмонлар анча хавфлироқ ҳужумлар уюштирди. Виктор Жалилов шогирдлари ҳам рақиблардан қолишмаслик учун астойдил тўп суришди. Бироқ айтилган вазиятлар юзага келмади. Учрашувнинг эллик тўртинчи дақиқасида ҳамюртларимиз ўз жарима майдончасида ўйин қойда-сини бузди. Ҳакам томони-

дан белгиланган пенальтини «Ал-Ҳилол»нинг руминиялик легионери Мирел Радой аниқ бажариб, ҳисобни очди. Орадан икки дақиқа ўтар-ўтмас пахтакорчилар вазиятни тенг-

лаштиришга муваффақ бўлишди. Бурчакдан узатилган тўпни меҳмонлар дарвозабони қайтарди. Қайтган тўпни Анзур Исмоилов Зайниддин Тожиевга узатди. Моҳир ҳужумчимиз рақиб дарвозасини аниқ нишонга олди – 1:1. Қолган дақиқаларда ҳар икки жамоа футболчилари ҳисобни ўзгартириш учун ҳаракат қилишди. Аммо ҳеч

кимга гол киритиш насиб этмади.

Шу тариқа «Пахтакор» футболчилари тўрт очко билан ўз гуруҳида яқка пешқадам бўлди. Пахтакорчилар навбатдаги учрашувни 7 апрель кўни Эрonda «Саба Баттери» жамоасига қарши ўтказди.

Тошкентнинг яна бир жамоаси – «Бунёдкор» сафарда Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Шабаб» футболчиларига қарши тўп суришди. Учрашув 0:2 ҳисоби билан мезбонлар фойдасига ҳал бўлди.

Ф. АЗИЗОВ.

Жамоа	У	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Пахтакор»	2	1	1	0	3-2	4
2. «Ал-Ҳилол»	2	0	2	0	2-2	2
3. «Саба Баттери»	2	0	2	0	1-1	2
4. «Ал-Аҳли»	2	0	1	1	2-3	1

**САЛОМАТЛИК ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА**

Маълумки, қиш тугаб, баҳор бошланиши билан инсон организмда турли дармондориларга бўлган талаб кучаяди. Айни эрта кўкламда унинг чиққан кўкатларда эса организм талаб этадиган дармондорилар мавжуд бўлади. Шу боис ҳам халқ табобатида эрта кўкламда дармондориларга бой кўкатлардан истеъмол қилиш тавсия этилади. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, таркибида инсон организми учун зарур дармондориларга бой ўсимликларнинг аксарияти юртимизда ўсади. Қуйида нулардан айримларини келтириб ўтамиз.

Баҳор даракчиси бўлмиш ялпизнинг турли кўп. Бизнинг шароитимизда ўсадиган сув ялпиз, қора ялпиз, Осиё ялпизининг таркибида эфир мойлари, органик

**КЎКЛАМ ДАРМОНДОРИЛАРИ**

кислоталар, глюкоза, рутин, С дармондориси, минерал тузлар ва яна бошқа моддалар мавжуд. Ялпиздан қадим замонлардан бери ошқўк, зиравор, дори-

вор омил сифатида фойдаланилади. Абу Али ибн Сино ялпиз билан ичак оғриқларини даволаган, овқатни ҳазм қилдирувчи, гижжа ҳайдовчи, қон тўхтатувчи восита

сифатида тавсия этган. Ялпизни асосан ошқўк сифатида истеъмол қилиш фойдалидир. Халқимиз севиб ошқўк сифатида фойдалангани ҳам дармондориларга бойлиги билан қадимдан маълум. Унда шунингдек, ошловчи моддалар, орга-

ник кислоталар ҳам мавжуд. С ва К дармондорилари билан бирга минерал тузлар ҳам бор. У организмдаги модда алмашинувини яхшилайди, жароҳатларнинг битишини

тезлаштиради, сийдик ҳайдайди. Замонавий тиббиётда жағ-жағдан тайёрланган дори-дармонлар буйрак, ўпка хасталиқларини даволашда қўлланилади. Ошқўклардан яна бири кашнич бўлиб, гарчи ундан йил бўйи фойдаланилса-да, эрта баҳорда

барра бўлиб ўсгани инсон организми учун жуда фойдали. Кашнич таркибида органик кислоталар, эфир мойлари, дармондорилар сероб бўлади. Шунинг учун ҳам ундан

асосан ошқўк сифатида кенг қўлланилади. Айни кўклам пайтида кўксомса, чучваралар тайёрлашда ишлатилган яна бир кўкат – укроп ёки шивитдир. Шивит қадим замонлардан буён халқ табобатида доривор ва ошқўк сифатида кенг истеъмол қилинади. Тар-

кибида С, шунингдек, А<sub>1</sub>, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, РР дармондорилари бор.

Кўклам пайтида дармондориларга бой бўлган исмалоқ, мойчечак, отқулоқ каби ўсимликлар кўкатлари ҳам инсон организми учун зарур дармондориларни ўз таркибида сақлайди. Шу боис ҳам бу ошқўклардан етарли истеъмол қилган кишида камқонлик, қувватсизлик сезилмайди.

Халқимизда бежиз айни кўкламда барча куч-қувват кўкатларга ўтади дейилмайди. Шу боис ҳам қадимдан баҳор кезлари ошқўкларни истеъмол қилишга катта эътибор берилди.

С. АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши вилоят ИИБ молия-иқтисод бўлими нафақа таъминоти бўлинмаси бошлиғи, капитан Маҳбубахон Яҳёевага палари бузуқворни **МИРЗАРАҲИМ** отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилди.

Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ШТБХХ катта инспектори, капитан Ҳ. Очиловга ўғли **КАМОЛИДИН**нинг вафот вафоти муносабати билан чуқур таззия билдиради.

Республика ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби раҳбарияти ва шахсий таркиби мактаб нашриёти бошлиғи, полковник **Шодурди ШОМУРОТОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таззия изҳор этади.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши аъзоси, истеъфодаги полковник **Тоҳир МАҲКАМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таззия изҳор этади.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги полковник **Бурхон ота МИРЗАРАҲИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилди.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши республика Давлат фельдшерлик хизмати Фарғона вилояти бўйича бўлинмаси бошлиғи, майор **Абдумажид ТЕМИРОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# ТОЛЕИНГАН АЙЛАНАЙ «ТИНЧЛИК ЭЛЧИСИ»



Сен етим эмассан. Бу иборани эшитишимиз билан хассос ўзбек шоири Фафур Гуломнинг Иккинчи жаҳон уруши даврида етим бўлиб қолган болаларга тасалли бериб ёзган шеъри ёдга тушади. Ёки бу иборани эслаганимизда режиссёр Шухрат Аббосов суратга олган бадиий фильм кўз олдимишга келади. Фильмни томоша қилганимизда беихтиёр кипригимизга ёш инади. Чунки Иккинчи жаҳон урушининг суронли йилларида ўзбек оиласида камол топган турли миллат болаларининг кечинмалари ҳеч биримизни бефарқ қолдирмайди.

Фильм ёзувчи Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романи асосида суратга олингани, унинг қаҳрамонлари ҳаётда бор одамлар эканлигини кўпчилик яхши билади. Тельман номидаги артеда темирчи бўлиб ишловчи Шоаҳмад Шомаҳмудов ва унинг рафиқаси Баҳри Акрамова 1942 йилда Тошкент хотин-қизларининг эвакуация қилинган болаларга оналик ғамхўрлиги кўрсатиш ҳақидаги мурожаатига жавобан 14 нафар етим ва қаровсиз қолган болаларни ўз тарбияларига олишди. Улар орасида рус, белорус, молдован, украин, латиш, қозоқ, татар ва бошқа миллат вакиллари бор эди. Тошкент зилзиласидан сўнг Шомаҳмудовлар бошпанасиз қолган яна бир оилани ўз бағрига олади. Олижаноблик, савоатпешалик каби ўзбек халқиға хос фазилатларға эға, ёзувчи «Ҳазрати инсон» дея улуғлаган ана шу зотлар кўҳна Шош заминида яшаб ўтанидан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Тошкентни ҳақли равишда тинчлик, дўстлик ва қардошлик шаҳри деб аташади. Бу тушунчалар тобора шаклланиб, вақт ўтиши билан тарих зарварларига айланиб бормоқда. Биргина Тошкентда бўлиб ўтган Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг биринчи анжуманини эсга олайлик. Мазкур халқаро тadbир ҳар икки қитға ёзувчилари ҳамкорлигини мустаҳкамлашга асос солди ва «Тошкент руҳи» деган ном олди. Халқлар тинчлиги ва ижтимоий тараққиёт озодлиги учун биргаликдаги кураш гоялари эса Осиё, Африка ва

Лотин Америкаси мамлакатлари анъанавий Тошкент кинофестивалининг шиори бўлиб қолди.

1966 йили Ҳиндистон билан Покистон раҳбарларининг Тошкентдаги учрашувида улар бир битимга келиб, Тошкент декларацияси қабул қилиниши икки давлат – Ҳиндистон ва Покистон ўртасида тинчликка эришиш имконини берди.

Тошкентдаги Осиё – Тинч океани минтақаси вакиллари учрашуви «Хотин-қизлар тинчлик учун ва тинчлик хотин-қизлар учун» шиори остида ўтди. Анжуманда хотин-қизларнинг жамиятда туганган ўрни ва ер юзида тинчликни мустаҳкамлашдаги ролига алоқадор кўпгина масалалар муҳокама қилинди.



Халқаро тинчлик йили тadbирларида фаол иштирок этган Тошкентта Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорига биноан «Тинчлик элчиси» фахрий унвони берилди.



Тошкентликлар дунёнинг кўпгина шаҳарлари билан дўстлик алоқалари ўрнатган. 1961 йил май ойида Марокаш шаҳрида «Бугунги Тошкент» мавзуда фотокурғазма, ўзбек мусаввирларининг гравюралари ташкил

миллат вакиллари бор. Барча халқлар бир кўннинг беш панжасидек аҳил, иноқ яшаб, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга муносиб улуш қўшаяпти.

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида «Туркистон» саройининг ёзги биносида «Ўзбекистон – бизнинг умумий уйимиз» мавзуда ташкил этилган дўстлик фестивалида иштирок этишимга тўғри келди. Уч минг кишига мўлжалланган зал мухлислар билан тирбанд, бирорта бўш жой қолмаган. Зеро, республика Байналмилал маданият маркази, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, шунингдек, бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан уюштирилган ушбу тadbирда турли миллат вакиллари ўз санъатини намойиш этиши кўпчиликда қизиқиш уйғотган эди. Фестиваль давомида миллий маданият марказлари ҳамда таниқли ўзбек санъаткорларининг чиқиши олқишлаб турилди. Айниқса, ҳар бир миллат ўз либоси ва чолғу асбобларида куй-қўшиқлар, жозибали рақслар, саҳна томошалари ижро этгани кўпчиликни лол қолдирди.

Кейинги пайтда биргина пойтахт эмас, балки вилоятлар ва шаҳарларда ҳам бўлиб ўтаётган дўстлик фестивалари мамлакатимизда яшаётган миллат ва элатлар маданиятини ривожлантириш, улар ўртасидаги дўстлик, қардошлик ришталарини мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этапти. Tadbir ташкилотчиларидан бири – республика Байналмилал маданият маркази асосий эътиборни айнан миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, миллат ва элатларнинг миллий-маънавий эҳтиёжини қондириш, ҳар бир миллатга хос урф-одат ва

анъаналарни сақлаб қолишда миллий маданият марказларига кўмаклашиш, бағрикенгликка йўналтирилган жамоатчилик ташаббусини қўллаб-қувватлашга қаратмоқда.

– Биргина Тошкент шаҳрида 38 та миллий маданият маркази мавжуд, – деди республика Байналмилал маданият маркази директори Насриддин Муҳаммадиев. – Шулардан 14 таси республика мақомига эға. Уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб, ташкилий ва услубий ёрдам кўрсатаймиз. Марказлар теваруга бирлашган халқлар республикаимиз ижтимоий ҳаёти, умумхалқ байрамлар ва маросимларда фаол иштирок этишяпти. Бу борада фестиваллар, адабий кечалар, учрашувлар, концертлар уюштириляётгани яхши натижа бермоқда.

Тошкент шаҳридаги Болгар миллий маданият маркази билан кўплаб мутахассислар, олимлар ҳамкорлик қилади. Бу эса тарих, иқтисодиёт, эстетика ва бошқа соҳалар бўйича маърузалар ташкил этиш имконини бермоқда. Бундан ташқари, ҳаёт тажрибаси ҳақида ёшларга бажонидил гапириб бериш истагида бўлган фахрийлар билан тез-тез мулоқотлар уюштириш анъанага айланган. Улар болгар халқининг бой миллий ва маданий мероси, афсонавий қаҳрамонлари ва бугунги куни ҳақида сўз юритишади. Марказ томонидан шунингдек, тарих ва жўрофия викториналари, шахмат турнири, киноҳафталиклар ўтказилади. Ташкилий ишларда бошқа миллий маданият марказлари билан алоқа ўрнатилгани қўл келаяпти.

– Биз пойтахтда яшаётган турли миллатлар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаб бораёямиз, – деди Қозоқ миллий маданият маркази раиси Марат Унубаев. – Истиқлол маданият саройида Қозоғистон ва Ўзбекистон Республикалари ўртасида имзоланган абадий дўстлик шартномасининг 10 йиллиги муносабати билан оқинлар айтишувини ташкил этдик. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, шунингдек, Қирғизистон Республикалари вакиллари иштирок этди.

Наврўз куни Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида миллий маданият марказлари томонидан байрам дастури намойиш этилади. Дастурхонга кўк сомса, норин, ҳасил, турли пишириқлар, сумалак ва бошқа миллий таомлар тортилади.

Тошкентнинг толеи балавд, истиқболи порлоқ. Бинобарин, ушбу гўшада яшаётган миллатлар ва элатлар ўртасида тинчлик, хотиржамлик, барқарорлик ҳукм сураб экан, кўнгилларда фахр ва ифтихор туйғулари эъзоз топавради.

Саъдулла ШОДИЕВ.



ISSN 2010-5355

O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
IIV BIRLASHGAN  
TAHRIIRIYATI  
MUASSIS:  
O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
ICHKI ISHLAR  
VAZIRLIGI

Bosh muharrir o'rinbosari Aleksandr VORGUDYAYEV

Mas'ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**  
Navbatchi – **Muhabbat IBRAGIMOVA**  
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**  
Matn ko'chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**  
TELEFONLAR: 231-30-40; 231-33-88; Faks: 232-05-51.  
E-mail: postda08@mail.ru

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart.  
Qo'lyozmalar tahiil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Tahririyat hisob raqami  
20210000700447980001,  
MFO 00421.  
«I'pak yo'li» aksiyadorlik  
innovatsion tijorat bankining  
Mirzo Ulug'bek bo'limi.  
INN 200637499.

«O'zbekiston»  
nashriyat-matbaa ijodiy  
uyi bosmaxonasida  
chop etildi. Korxonada  
manzili: Alisher Navoiy  
ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-7094. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 56930 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent,  
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.